

4

«У БЎЛМАСА, БАЛКИ МЕН...»



11

МУНОЖОТНИНГ МАКТАБИ



13

БЕШИНЧИ ФАСЛ



14

ЁШИ ЎТГАН ЭРКАКЛАР


# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

8 (902) сон

12 – 18 февраль 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz


## 14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



* * *

*Сочининг савдоси тушти бошима*
*бошдин яна,*
*Тийра бўлди рўзгорим ул қаро*
*қошдин яна.*

*Мен худ ул тифли парийвашға кўнгул*
*бердим, вале*
*Хонумоним ногаҳон бузулмағай*
*бошдин яна.*

*Юз ямонлиғ кўруб андин телба бўлдунг,*
*эй кўнгул,*
*Яхшилиғни кўз тутарсен ул*
*паривашдин яна.*

*Тош урар атфол мени, уйда фориғ*
*ул парий,*
*Телбалардек қичқирурмен ҳар замон*
*тошдин яна.*

*Оёғим етгунча Бобурдек кетар*
*эрдим нетай,*
*Сочининг савдоси тушти бошима*
*бошдин яна.*



Васила КАРИМОВА:

# БОЛАНГИЗ ҚАЙСИ МАКТАБДА ЎҚИЙДИ?

***Гўдак дунёга келганидан сўнг ҳар бир ота-она учун масъулиятли давр бошланади. Боланинг нафас олишидан тортиб, унинг ҳар бир митти аъзосигача кўздан кечириб, бирор ўзгариш содир бўлса хавотирга тушамиз. Кунлару ҳафталар, ойлару йиллар ўтгани сайин кипригимиз остида асраб-авайлаб ўстираётган фарзандимизнинг ички ва ташқи имкониятлари (ақлий ва жисмоний даражаси, оиладаги тарбия муҳити ва ҳ.)даги ўзгаришларга дуч келамиз. Натижада ҳам отанинг, ҳам онанинг олдида жиддий бир савол кўндаланг туради: у ҳам бўлса, БОЛА ТАРБИЯСИ УЧУН КИМ КЎПРОҚ МАСЪУЛ? Отами, онами, боғчами, мактабми, қай бирининг зиммасига оғирроқ масъулият тушади?***

***Шу каби саволларга ойдинлик киритиш ниятида Республика «Оила» марказининг директори, психология фанлари доктори, профессор Васила КАРИМОВАга мурожаат этдик.***

**— Васила опа, узр, гурунгимиз аввалида сўраб қўяй, ҳазил-мутойибага қандай қарайсиз?**

— Албатта, яхши-да. Нима гап, мавзуни бирданига ҳазилга муносабатдан бошлаяпсиз?

**— Ажойиб сўз устаси, раҳматлик Ҳожибой Тожибоев эр-хотиннинг мактабдаги йиғилиш ҳақида айтган кулгули, лекин ҳақиқатга йўғрилган аскиясини эшитгансиз-а? Яъни мактабдаги мажлисга фақат оталар таклиф қилинади ва эрталаб вақтли чиқиб кетган эр тушмагур ярим кечаси уйга кириб келади-да, «ҳой, хотин, сен мажлис бўлишини айтишга адашмабсану, лекин боламизнинг қайси мактабда ўқишини айтмабсан-ку!» дейди. Нима деб ўйлайсиз, мана шу мутойибада муболаға борми ёки?..**

3-бет →

Газета саҳифаларида:


Қобилжон қайта уйланса-да, кўнгли ҳамон биринчи аёлида эди... 5

Эркак аёлини қачон рашк қилади? 6

«Оғуфуруш оила»га ҳукм ўқилди 7

Икки дунё оралиғида 12

Тўтиға ҳам тил ўргатса бўлади! 16



## ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

ҚАРОР ВА ИЖРО

### ШЕРНАЗАРНИНГ ОРЗУСИ УШАЛМОҚДА

Бекободлик Шерназар Бобоев кўплаб тенгдошлари қатори болалигидан аскарликни, Ватан ҳимоячиси бўлишни орзу қиларди.

Шу мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилган Шерназар туман ва вилоят миқёсида ўтказилган турли фан олимпиадаларида фаол иштирок этди. Бокс бўйича ташкил этилган мусобақаларда совринли ўринларни эгаллади. Энди унинг орзуси ушаладиган бўлди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 6 январда қабул қилинган қарорига биноан синов ва танловлардан муваффақиятли ўтган бу йигит муддатли ҳарбий хизматга отланди.

Шу муносабат билан Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ташкил этилган маросимда жамоатчилик вакиллари, ота-оналар, фахрийлар сўзга чиқиб, ўз йигитлик бурчини ўташ учун хизматга отланган ёшларга оқ йўл тиладилар. Эл-юрт тинчлиги йўлида ўз бурчини садоқат билан бажаришга чорладилар.

— Давлатимиз раҳбарининг фармонига асосан жорий йилдан йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш йилига бир марта – февраль-март ойлари амалга оширилиши ҳарбий фаолият сифатини янада оширишда муҳим омил бўлаётир, — дейди Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи, подполковник Н.Валиев. — Мазкур ҳужжатга биноан чақирув пунктларимиз инфратузилмаси такомиллашиб, уларнинг моддий-техник аҳволи янада мустаҳкамланди. Буларнинг барчаси йигитларни ҳарбийга чақирув самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

### ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ЗАРУР

Тошкентда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Маълумотларга кўра, бу даврда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 2 минг 110 та ариза ва шикоятлар кўриб чиқилган. Соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилот ва муассасаларга 675 та тақдимнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритилиб, давлат бошқарув органлари, ташкилот ва муассасаларнинг айрим қарорларининг ижроси бекор қилинган. 503 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган.

— Мақсад жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда келгусидаги режалар хусусида келишиб олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда ОАВ билан ҳамкорлик янада такомиллаштириш, - дейди шаҳар адлия бошқармаси ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича масъул ходими Аброр Бердиев. — Чунки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда 2008 йилда тарғибот йўналишида фаол иштирок этган ёш тарғиботчилар гуруҳи аъзолари Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

**Ботир МУСУРМОНОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

### 100-МАКТАБДА ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Республикамизда ягона бўлган мия фалажи ва таянч ҳаракати аъзолари шикастланган болалар учун мўлжалланган 100-махсус мактаб-интернатда ҳозирги кунда 15 та бошланғич ва 14 та юқори синфлар мавжуд бўлиб, унда уч юздан зиёд ўқувчи таҳсил олади. Ўрта таълим учун мўлжалланган ушбу ўқув масканида дарслар икки хил йўналиш: умумтаълим ва ёрдамчи дастурлар (ўзгача ривожланган болалар учун) асосида олиб борилади.

Куни кеча Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ходимлари иштирокида ушбу даргоҳда «Болаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш» мавзусида мулоқот бўлиб ўтди.

– Ушбу тадбирни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг ўзларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бўлган рағбатни кучайтиришдан иборат, - дейди мазкур институт филиали раҳбари Эльвира Маракаева.

Ошкоралик тарзида ўтган тадбирда 17-оилавий шифохона ходимлари ҳам иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

– Мактабимизда бундай учрашувлар тез-тез уюштириб турилади, – дейди мактаб директори Шарифа Тошмуҳамедова. – Ўқувчиларимизнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида ҳар ойда таълим соҳасида фан фестиваллари ва спорт мусобақалари ҳам ўтказамиз. Уларнинг саломатлигини яхшилаш мақсадида қўшимча муолажалар-массаж, физиотерапия муолажалари, даволаш гимнастикаларидан фойдаланамиз. Шунингдек, мактабимизга миллий эстрадамиз вакиллари ва таниқли спортчилар ҳам келиб, концерт ва қизиқарли суҳбатлар ташкил этилади. Қолаверса, мактаб-интернатимизга Тошкент Техника университети ва «Асака банк» доимий равишда ҳомийлик қилиб келаяпти.

**Мухлиса МУҲИТДИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

### ҲУНАР ЎРГАНДИК

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида салобатли бир маскан бор. Дарвоза пештоқига «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бош бошқармаси, ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази» деб ёзилган бу даргоҳда малакали мутахассис педагоглар, ҳунарманд, устозлар биз каби ёшларга дарс ўтишади. У ерда компьютерда ишлаш, инглиз тилида иш юритиш, тикиш-бичиш, замонавий элита пардалар тикиш, дурадгорлик, уқалаш (массаж), уй ҳамширасри, сартарошлик каби замонавий касб эгалари етишиб чиқади.

Ўқув машғулотлар давомида биз мактабгача ёшдаги болалар кўйлакларини, эркак ва аёллар кўйлак-шимларини, миллий кийимлар тикишни ўргандик. Кўйинг-ки, оддий чокдан бошлаб пальтоларнинг мураккаб андазаларигача билиб олдик.

Биз тиккан кийимлар ҳеч қайси хорижий мамлакатларникидан қолишмайди. Замонавий, бежиримгина, чиройли...

Устозимиз Шоирахон Исақова тикиш-бичиш сирларини яширмасдан, чин кўнгилдан ўргатибгина қолмай, одоб-ахлоқдан ҳам сабоқ беради. Биз ҳам келажакда Шоира опамиздек билимли, уддабурон устоз бўлиб етишишга ҳаракат қиламиз.

**Бир гуруҳ шогирдлар номидан**
**Холида МИРСАЛИМОВА.**

МУНОСАБАТ

# МУҲАББАТНИ АНГЛАШДА БОБУР БОБОМИЗ ЎРНАК ЭМАСМИ?

Аслида маданият сўзининг негизида Мадина, яъни шаҳар маъноси ётади. Ер юзида шаҳарлар кўп ва ҳар бирининг ўз шакли ва қиёфаси бор. Маданиятнинг қиёфаси эса ўша халқнинг ўтмиши, бой маънавий мероси, эътиқодидан ҳосил бўлади. 2007 йилда Халқаро Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси - АЙСЕСКО томонидан юртимиз юраги саналмиш Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти, дея эътироф этилиши иймон-эътиқоди бутун бўлган ҳар бир юртдошимизнинг қалбини ифтихорга тўлдирди. Бу воқеа дунё аҳлига ер юзининг жаннатмонанд ҳудудида жойлашган Ўзбекистон аталмиш ўлка, бу диёрнинг ўзлигини англаган, тарихини унутмаган, келажагини ўйлаган, миллатини улуғлаган, маънавиятини юксалтираётган, аньаналарини ривожлантираётган, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиб яшаётган халқи борлигини яна бир бор эслатиб қўйди. Қани энди, бундай эътирофдан туйган ғурур ва шукуҳ барчамизга мудом ҳамроҳ бўлса...

Гуруч курмаксиз бўлмас экан. Баъзан шаҳарнинг жамоат жойларида, ҳаттоки айрим муассасаларда ҳам миллий маданиятимизга тескари бўлган кўринишларга дуч келамиз. Шу кунларда пойтахтимизнинг бир қанча савдо расталари ёнида ёшларнинг гавжум бўлиб турганини кузатаяпмиз. У ерда эса "Севишганлар куни"га аталган турли ажнабий совғалар савдоси авжида: юрак шаклидаги қип-қизил ёстиқчалар, ишқий муносабатлар ифодаланган, ҳатто беҳаё сўзлар битилган открытка ва буклетлар, ҳар хил ўйинчоқлар... Қизиғи, бу совғаларнинг биронтасида ўзбекча сўз ҳам, миллий менталитетимизни ифодалайдиган безакларни ҳам учратмайсиз. Интернет кафеларида ҳам шу манзара. Ёшлар 14 февраль «Севишганлар куни» сифатида байрам деб билишиб, турли мазмундаги севги мактубларини йўллашмоқда. Хусусий радиоканаллар бу кунни «интиқ» кутаётганларнинг СМС табрикларини ўқишга киришиб кетди.



Хусниддин АТОЕВ
сурат-лавҳаси

Ёшларимиз (афсуски, бундайлар орасида қизлар ўзини кўнглим ёш деб юрганлар ҳам бор) байрам деб ўйлаётган бу кун аслида дини, эътиқоди бутунлай бошқа бўлган миллат вакилларининг кейинги йилларда ўйлаб топган сунъий айёмидан ўзга нарса эмас. Ўзингиз ўйланг, бугун юртимизда қанчадан-қанча Алишеру Бобурлар, Юсуф Зулайҳолар, Фарҳоду Ширинлар, Отабек ва Кумушлар, Тоҳир Зуҳролар, Барчиной ва Лайлолар бор. Албатта, ҳар бир исмнинг ўз маъноси бор, аммо аксарият бу каби исмлар ҳавасдан қўйилган. Улар муҳаббатнинг энг моҳир ифодачилари ва бетакрор севги тимсолларидир. Бу муҳаббат тарихлари авлиё Валентин воқеасидан фарқли ўлароқ, ор-номус ҳимояси билан баҳоланган ва шу боис минг чандон ибратлидир.

Албатта, ҳеч ким севгини, севилмокни рад этолмайди. Аммо, юрт келажаги бўлган азиз ёшларимизни "оммавий маданият"нинг беҳаёликка чорловчи бундай шаклдаги кўринишидан огоҳ қилиш бугуннинг долзарб вазифаси эканлигини унутмаслик керак. Ёшларимиз қадриятларини ҳурмат қиламиз, эъзозлаймиз, аммо бу қадриятларнинг мазмун-моҳиятини теран англамасдан, кўр-кўрона ўзга одатларга амал қилиш ўзлигимизни англаб етишларида салбий таъсир кўрсатишини билиб қўйсалар ёмон бўлмасди.

Ахир буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур Самарқандда Сароймулкхонимга бағишлаб қурдирган Бибихоним мадрасаси, шоҳ, шоир ва улуғ саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг фарзанди Шоҳжаҳон дунё мўъжизаларидан бири сифатида эътироф этилувчи Тожмаҳални ўзларининг улуғ муҳаббатлари шарафига бино этганликларини бутун дунё бежиз эътироф этмаган-ку! Ана сизга, севги-муҳаббатга қай тарзда ҳайкал қўйиш мумкин экан! Токи биз ҳам шундай улуғ зотларнинг авлоди, ворислари эканмиз, уларга муносиб, арзигулик ишларга қўл урайлик.

Муҳтарам замондош, эртанги кунимиз эгалари бўлмиш азиз ёшлар, агар сизнинг кўнгил дунёнгизга муҳаббат отлиғ сирли «элчи» ташриф буюрган экан, уни қандай улуғлашни ҳам англаб етинг. Ниятимиз, сиз учун ҳар тонг севги тонги, ҳар кун муҳаббат куни, ҳар кеча ишқ кечаси, ҳар тун висол туни бўлиб қолсин!

**Наргиза САРИМОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Васила КАРИМОВА:

# БОЛАНГИЗ ҚАЙСИ МАКТАБДА ЎҚИЙДИ?

— Нима десам экан, Ҳожибой Тожибоевнинг ўзи башорат қилиб кетганидек, аксарият ҳазил-аскияларини оддий халқнинг ичидан олиб, яна шу халқнинг ўзига қайтарарди. Бундай иқтидор, маҳорат ҳар қандай қизиқчининг қўлидан келмайди. Энди бевосита унинг сиз эслаётган мутойибасига келадиган бўлсак, бу афсуски, ҳақиқат эди, ундан кўз юмолмаймиз. Ростдан ҳам шу пайтгача оталарнинг мактабга бормаётганлиги бор гап. Айримлар айтиб қолишади: «Мактабга бордикми, ҳе йўқ, бе йўқ, боланинг турли камчиликларини санаб ташлашади. Ундан кўра, ўқувчининг ўзига нима кераклигини айттириб юбора қолишсин», дейишади. Мен шундай пайтда «йўқ, сиз нотўғри йўл тутяпсиз, боришингиз, болангиз ўқийдиган шароитни кўришингиз, ўзи қандай ўқиётганини ҳам билишингиз керак!», дейман. Фарзандининг келажагига бефарқ бўлмаган ақлли ота-она мактабда қайси муаллим яхши ўқитади, бирма-бир суриштириб, билиб олади. Менинг назаримда, бу тўғри позиция. Мактабга боргандан кейин бола нафақат ҳарф танийди ёки сонларни бир-бирига қўшиш-айиришни ўрганади, балки ҳаёт ҳақида, одамлар, табиат, жамият, муомала ҳақида сабоқ олади. Лекин минг афсуски, ўқиса бўлди-да, дея ўғил ё қизини дуч келган мактабга бериб қўйиб, умуман хабар олмайдиган ота-оналар ҳам орамизда бор.



Масалан, «сўнгги марта қачон мактабга боргансиз?» ёки «қанча маблағингизни, вақтингизни болангизнинг таълим олишига ажратгансиз?» деган мазмундаги сўровлар ўтказганимизда ишонасизми, баъзилари ҳатто қачон борганини аниқ эслолмади, ҳатто оналар ҳам. Хўш, нима учун айтолмайди? Бунинг сабаби, уларда мактабга боришдан аниқ мақсад, манфаат йўқ.

**— Боланинг ташқи муҳитга мослашуви, фикрлаши, дунёқарашининг ривожланиши, ўзини жамоада тутиши каби ҳолатларни тўғри йўналтиришда ота-оналарнинг ўрни қай даражада бўлиши керак?**

— Ўсаётган боланинг ўзига яраша мураккаблиги бўлади. Масалан, бошланғич таълимни тамомлаб, ўрта мактабга ўтганда бола учун энг қийин давр бошланади. Чунки илгари битта ўқитувчи сабоқ берган бўлса, энди ўқитувчилар кўп, фанлар ҳам кўп. Бола ҳамма нарсага интилади, жамиятга қўшилгиси келади. Ўзининг ким эканлигини, нимага қодирлигини англашга ҳаракат қилади. Бу пайтда болага фақат бир хил қолипдаги буйруқларни бажарувчи сифатида қараш уни руҳан эзоблайди. Ота-она боласига тўғри ёрдам беролса, кайфиятига, ҳолатига, нималарга қизиқишига, ҳаракатларига тўғри муносабатда бўлса, нур устига нур, ҳаёти силлиқ кетади. Аммо акси ҳам бўлиши мумкин. Боласи қийналаётган пайтда ота-онлар бандлиги ёки бепарволиги туфайли улар ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Ҳар қандай оилада ота-она қанчалик банд, иши кўп бўлмасин, бола уйга келгандан кейин у билан қизиқиши, кимлар билан муомала қилаяпти, яқин дўсти кимлиги ёки бирортаси билан чиқишмаётгани ҳақида албатта сўраб туриши, ўрганиши лозим. Айниқса, бир боласи ўсмир, бир боласи ўспирин бўлган ота-оналарнинг ҳолатини мен жуда яхши тушунаман. Уларнинг ҳар бири ўзига хос. Бу ёшдагилар ҳали қўлидан бирон иш келмай туриб, «мен шунақа бўламан», деб айтолмайди. Унда «мен кимман?» — деган ички ғалаён пайдо бўлади. Ўзининг «мен»ини топиб олгиси келади. Ана шу жараёнда унга ота-она ёрдам бермаса, болага жуда қийин бўлади.

**— Кўпинча руҳий ҳолатга таъсир этган ички ва ташқи омиллар туфайли болаларда асабийлашиш, жиззакилик, баджаҳллик, уришқоқлик ёки аксинча ҳолатлар пайдо бўлади. Буни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш керак деб ўйлайсиз?**

— Болаларнинг ҳаддан ташқари жиззаки бўлишига кўпроқ ота-оналарнинг ўзлари сабабчи. Чунки уйга кичкинагидан жангарииликни ифодаловчи қилич, автомат, қора кийимдаги «бэтмен» дейишадими-ей, шунга ўхшаш ўйинчоқлар олиб беришади. Энг ёмони, улар сифатсиз, ўзидан ёқимсиз ҳид чиқариб, боланинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Натижада, уларда норозилик кайфияти пайдо бўлади. Ҳалиги ўйинчоқни тезроқ синдириб, йўқ қилиб ташлагиси келади. Ёки бўлмаса, куни билан телевизорга михланиб, ҳар хил жангари мультфильмларни кўриб, асаби чарчайди. Кейинчалик талаблари ортиб боради, унга қулоқ солмаслик, у билан ҳисоблашмаслик, кичик-кичик низоларни келтириб чиқаради.

**— Инсоннинг табиатида бор-да, у ҳар доим таъқиқланган нарсани билишга қизиқади. Бу табиийки, болаларга ҳам хос. Аммо ота-оналар томонидан қўйилган таъқиқ кўп нарсани чегаралаб, ривожланишга тўсқинлик қилмайдими?**

— Психологияда биласиз, ўспиринлик жуда мураккаб давр ҳисобланади. Айтайлик, бу ёшдаги йигит-қизлар ўзларининг ташқи кўринишларидан сира қониқмайдилар. Ҳадеб ойнага қарайверади, ўзини ёқтирмайди ва охир оқибат унда ички норозилик пайдо бўлади. Ташқи кўринишидаги нуқсонни ўзича бартараф этишга уринади. Сочини ўстиради, қизлар қошини кўпроқ бўяйди. Масалан, бир қиз дугонасининг кўйлагини кўриб, уйдагиларидан унга ҳам шундай кўйлак олиб беришларини сўрайди. Табиийки, бу талаб дарров инкор қилинади. Ё «пулим йўқ» ё «яқинда олиб бергандим-ку», дейди. Ўша олиб бергани қизга ёқмайди. Худди шунга ўхшаш бир воқеада ота-она боласининг истагини тушунмагани учун қизча дори ичиб, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган, хайрият, унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Сабаби битта – кўйлак, холос! Бу ёшлардаги қадрият билан ҳисоблашмасликнинг оқибати. Ёки баъзи ўспирин ёшидаги қизлар тақинчоқларга қизиқади. Ота-онанинг қизи сўраган ўша тақинчоққа пули етмаслиги мумкин. Аммо дарров «йўқ» демасдан «бўпти қизим, сени юзингга мос, рангингга мос тақинчоқни ўзим танлаб бераман» деса, олам гулистон. Бу ҳам етмагандай, қизига «ўзингни бозорга солаяпсанми, биз сендек пайтимизда бундай тақинчоқлар тақмасдик», деб таъқиқ ҳам қўядилар. Кейин нима бўлади, бола бир кечиради, икки кечиради, учинчи марта «менинг гўзал, чиройли бўлишимни истамас экан», деган аламли норозилик пайдо бўлади. Бундай пайтда бола ўзини жуда бахтсиз ҳис қилади. Депрессиянинг калити— болани тушуниш, кўнглига йўл топишдир. Агар бу иш қўлидан келмаса, ўздан катта, тажрибали кишиларга, жуда бўлмаса психологик хизматларга мурожаат этсин. Лекин афсуски, ҳали бундай мурожаат қилиш маданиятини шакллантира олганимиз йўқ.

**— Бундан кўринадики, болалар руҳиятини тарбиялашда ота-оналарда оғир-вазминлик етишмаётгандай. Балки шу ўринда қаттиққўллик афзалдир...**

— Бу масалада иккала томоннинг ҳам манфаати бор. Ота-она боласини яхши бўлиши учун ўз имкониятидан келиб чиқиб, қаттиққўллик билан боланинг эркинлиги, манфаати, иродасини чегараламоқчи бўлади. Фарзанд эса жамиятда ўзининг «мен»ини тасдиқламоқчи, ўрнини топмоқчи. Унинг бир манфаатига путур етказдими, бошқа бир манфаатини қондириш лозим. Яъни бир марта кўниб, икки марта кўндириш мумкин. «Хўп» дейиш керак. «Йўқ» дегани энг ёмон сўз. «Хўп» деган сўздан бола ота-онаси уни тушунганлигини билиб, ўзи қўйган талаби ҳақида қайта ўйлаб кўради. Шунинг учун болаларнинг қадриятларини билиш ва ҳисоблашиш шарт.

**— Ҳозирда айнан мактаб ёшидаги болаларда, айниқса, ўспирин йигит-қизларнинг руҳияти билан боғлиқ ўзгаришларда муаммолар кўп. Бу борада амалиётчи психолог-педагогларнинг ўрни негадир сезилмаяпти. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?**

— Тўғри, бугунги кунда мактабда амалиётчи психологлар бор. Лекин, очиқ айтиш керакки, боланинг ички имкониятлари, руҳиятида бўлаётган ўзгаришларни икки-уч хил тестлар орқали аниқлаб бўлмайди. Қолаверса, олдига таълим беришни мақсад қилган ўқитувчи ҳам боланинг шахси, оилавий шароити билан қизиқиши керак. Педагогикада «ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошув» деган тамойил бор. Буни биламизу, лекин нима учун ўқувчининг оиласини суриштириб кўрмаймиз? Тўғри, ОИЛА—МАКТАБ—МАҲАЛЛА концепцияси бор. У ишлаяпти, аммо тадбир ўтказиш, унга ота-оналар, маҳалла вакилларини чақириб қўйиш билан иш битмайди. Унинг учун боланинг яшаш шароити, оила аъзоларининг ўзаро муносабатларидан хабардор бўлиш керак. Мактабдаги амалиётчи психолог билан маҳалла маслаҳатчиси фаолиятини мувофиқлаштириш жуда муҳим. Бу борада «Оила» маркази жойларда «Ота-оналар университети» ташкил қилиб, тушунтириш ишларини олиб бораяпти. Унга боласи тақдирига бефарқ бўлмаган ота-оналар қатнашмоқда. Шу билан бирга мактабдаги амалиётчи психологлар учун махсус «Оила» ўқувларини ташкил қилаяпмиз. Бундай тадбирлар маҳаллаларгача етиб борган жойларда бугун биз мониторинг қилиб, ўзгаришлар бўлаётганини кўраяпмиз. Мақсадимиз оила билан маҳалла орқали мактабни бирлаштириш, бу учлик биргаликда боланинг таълим-тарбияси билан шуғулланишдир.

**— Оилада ота-оналик вазифалари, бурч ва мажбуриятларнинг адо этилишидаги муаммоларнинг болалар руҳиятига қандай таъсири бор? Бу борада «Оила» маркази ота-оналарга қандай кўмак беряпти?**

— Оилалардаги энг муаммоли ҳолат ота-оналардаги позициянинг бир-бирига мос келмаслигидир. «Онанг айтаверади, бу ёққа кел, ўзим қилиб бераман» ёки «Отанг нима қилиб қўйибди, кўчадан ортмайди» деган гаплар нотўғри. Эркаклар мени маъзур тутсинлар, кўп муаммолар оталарнинг масъулиятсизлигига тақалиб қолаяпти. Оиладаги гармония, хотиржамлик, тўкислик фақат аёлга керакдай, гўё. Муаммодан қочаётган отани бола руҳан сезмайдими? Онаси эртаю кеч куймаланиб, болаларига нон тутаётганини у билиб турибди-ку! Айрим оилаларда оталик институти, оталик мақомига нисбатан нотўғри муносабат шаклланаяпти. Эр томондан хотинни менсимаслик, унинг фикри билан ҳисоблашмаслик устивор. Бу ҳозирги пайтда бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган энг жиддий муаммо. Ваҳоланки, аёл уй бекаси бўлса ҳам оилада энг оқила "сиёсатчи". Эркак киши эртадан кечгача кўчада бўлади. Болалари нима еди, нима ичди, қачон келди, қачон кетди, қаердан билади? Қолаверса, ким бўлишидан қатъий назар, бола кўпроқ онасига боғланиб қолади. Уйдаги носоғлом муҳитни, онасининг камситилишини кўрган бола, мактабдан келгандан кейин отанинг кўзидан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилади. Ота-онанинг феъл-атвори ҳеч қачон бир хил бўлмайди, лекин уларни бир-бирига мослаштириш мумкин эмасми?

**— XX аср бошларида миллий озодлигимиз учун курашган бобомиз Абдулла Авлоний тарбияни "Ҳаёт-мамот масаласи" сифатида кўрар экан, фарзандларимиз тарбиясини кимларга ишонишимиз керак, деган саволни кўндаланг қўйган эди. Бу савол роппа-роса бир асрдан кейин ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ, назаримда.**

— Абдулла Авлоний тарбияни ким бериши кераклиги хусусида гапириб, уни иккига ОИЛА, ЖАМИЯТ ҳамда МАКТАБ тарбиясига бўлади. Мактаб тарбияси учун масъул бу —оталар ва ўқитувчилар. Нима учун ота мактаб томонда турибди? Менинг назаримда, мактабда эркак ўқитувчилар кўпроқ бўлганда эди, вазият бугун бутунлай бошқачароқ кечарди. Бунга ўзимизнинг ўзбек менталитетидан келиб чиқиб ёндошайлик. Бола уйга келиб «бугун ота-оналар мажлисига боришингиз керак» деб айтяпти. Ота асосан бу мажлисни аёл ўқитувчилар ўтказишини жуда яхши билади. Эркак киши бориб, аёл ўқитувчидан гап эшитиб келишга ғурури йўл қўймайди. Боришдан ўзини тияди, «яхшиси, онаси ўзинг бора қолгин», дейди. Тасаввур қилинг, мактаб Шарқ менталитетига хос асосан эркак ўқитувчилардан иборат бўлса, ота «бориб ўқитувчиси билан очиқчасига гаплашиб оламан», дейди. Шундай бир психологик ҳолат борки, эркак киши эркак киши билан очиқ гаплашади.

Бу билан мактабда аёл ўқитувчилар сонини камайтириш керак, деган фикрни илгари сурмоқчи эмасман. Чунки хотин-қизларнинг тарбия масаласида, айниқса, мактаб соҳасида нуфузи алоҳида эътирофга лойиқ ва уларнинг ўрнини эркаклар ҳеч қачон босолмайди. Айниқса, бошланғич синфларда аёл ўқитувчилари бўлгани маъқул. Чунки болалар ҳали ёш бўлади. Онасининг кўйнидан чиққан болага оналарча меҳр керак. Юқори синфларда табиат, жамият, инсоний муносабатлар чуқур илмий фалсафий ёндошувлар орқали болани ўйлашга йўналтириш, мотивация қилиш, аниқ мақсад сари олдинга интилишга ўргатиш зарур. Бу борада Халқ таълими вазирлиги томонидан муайян ишлар ҳам қилиниб, мактабларда айнан «Оталар мажлиси» ўтказиляпти. Бу яхши, албатта. Фақат эркаклар мактабга мажбурият юзасидан эмас, балки боласининг тарбиясига масъулиятини, жавобгарлигини ҳис қилиб борсалар, нур устига аъло нур бўларди.

**«Оила ва жамият» мухбири**
**Назира ҚУРБОН суҳбатлашди**

***Кибриё ҚАҲҲОРОВА! Бу номга кўзим тушганида ёки уни эслаганимда дилимда адабиётимизнинг улуғ дарғаси Абдулла Қаҳҳорнинг нурли сиймоси бутун бўй-басти билан, қадди-қомати-ю ўткир тили билан гавдаланади. Ва ҳар гал суюкли адибимизнинг «У бўлмаса, балки мен Абдулла Қаҳҳор бўлмасмидим», деган сўзлари хотирамга келади. Устознинг бу эътирофи Кибриё опа ҳар қандай пайтда ҳам адибнинг аччиқ ва тотли барча азоб-уқубатли кунларида ёнида турганига бир ишора. Тотлиси эса... Уни айтиб ҳам тугатиб бўлмайди. Бунинг замирида улуғ муҳаббат, бир-бирини тушуниш, чексиз хурмат ва эҳтиром ётади.***

# «У БЎЛМАСА, БАЛКИ МЕН...»

## ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ



...Ўзининг ёзишича, отасининг илму маърифатга ниҳоятда эътиборли бўлгани боис у ўн ёшларидаёқ Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил асарларини бемалол ўқий оладиган даражага етган. Сўнг эса саводхонлиги боис машинкада матн терувчиликка ишга олишади. Шу баҳона унда адабиётга ҳавас уйғониб, машҳур адиблар билан танишади.

Бора-бора адабий муҳаррир, сўнг бўлим бошлиғи бўлди. Унинг кўнгли ўқишни истади. 1940 йилда Ленинград Давлат университетининг шарқшунослик факультетига ўқишга кирди. Афсуски кўп ўтмай, уруш бошланиб кетди ва унинг даҳшати тезда бу кўҳна шаҳарга ҳам етиб келди.

— Ленинград қамалидан сал олдин ўзим ишлаб турган нашриёт филиали билан муҳим қўлёзмаларни қўшиб, Тожикистонга жўнадик, - деб эслайди Кибриё опа. - ...1943 йилнинг июнь ойида ўз ихтиёрим билан армияга жўнаш ҳақида ариза бердим.

Аммо Кибриёни урушга эмас, Тошкентга, ҳарбий округ ихтиёрига юборишди. Шу ерда у ўзбек радиоси қошида тожик редакцияси ташкил этилишининг ташаббускори бўлди. Энди у ҳам таржимон, ҳам муҳаррир, ҳам сухандон эди. Тошкент яна шуниси билан Кибриёга қадрли эдики, шаҳар уни Абдулла Қаҳҳордек қатъий ва иродали шахс билан учраштирди ва улар чорак аср бирга яшадилар, бирга ижод қилдилар. Бу оиладаги илиқ ижодий жараён Кибриё опани шарқ ва жаҳон адабиёти классикасининг чуқур билимдони ва таржимонига айлантирди.

Абдулла Қаҳҳор вафоти Кибриё опа учун энг оғир жудолик бўлди. Ҳатто «Абдулла Қаҳҳор вафотидан кейин узоқ яшамасам керак», деб ўйларди опа. Аммо у яшади, ёзувчи хотиралари, меҳри унга суянч бўлди. Кўзида қалққан ёшларни одамлардан яшириб яшади. Унга узоқ умр берган катта куч атрофдагиларнинг эътибори, устоз шогирдларининг эҳтироми, қолаверса, Абдулла Қаҳҳордай улуғ ёзувчининг руҳи олдидаги улкан бурчни бажариш унинг учун ҳам қарз, ҳам фарз эди. Ана шу қарздорлик ҳисси унга катта кучқувват берди. Абдулла Қаҳҳор уй-музейини ташкил этишга бош-қош бўлди. У адибнинг файзли уй-жойини бутун борлигига уй-музей ихтиёрига қолдирди. Ўзи эса унинг кафтдеккина ҳовлиси бир бурчагига ушоққина уй қурдириб, ўша ерда яшади.

Опа ёзувчи таваллудининг саксон йиллиги арафасида Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларини «Чорак аср ҳамнафас» номи билан нашр эттирди. Бу рисолани яратиш осон кечмади. Айрилиқ фиғони ўз ўрнини баъзан ажиб бир севги, баъзан эса енгил кулги қопларди ижодкор қалбини. Китоб илҳом ва садоқат, дилда ҳурмат, ширин тил ва нафосат билан ёзилди. Унда тасвир этилган оддийгина воқеий лавҳа ҳам биз аёллар учун катта сабоқдир. Оддийгина мисол. **Кунларнинг бирида Кибриё опа уйни яхшилаб йиғиштирмоқчи бўлиб устозга: «Бир кўча айланиб келмайсизми?» — деб мурожаат этади. Шунда Абдулла ака:**

**— Кўча айланиш режасини ортиғи билан бажарганман, - дейди. — Биласизми, эркак киши қаймаҳал кўчага чиқиб кетади? Агар қидирганини уйидан топа олмаса...**

**Ёки яна бир воқеа: Абдулла аканинг икки дўсти юмуш билан уларникига келишади. Нима бўлади-ю, Кибриё опа эркаклар суҳбатига қўшилиб қолади. Меҳмонлар кетгач, Абдулла ака жилмайиб:**

**— Биз хотинни улгуржи олганмиз. Яъни ҳазил-мутойибаси ҳам, кулгуси ҳам ўзимизники, — дейди.**

**Бу рашкнинг «беозор» вулқони эди. Шу-шу Кибриё опа эркаклар суҳбатига ҳеч қачон ҳуда-беҳудага аралашмаган экан...**

Рисолада муаллиф ёзувчининг ижодий жараёнига алоҳида эътибор билан ёндошган. Уни ўқиган ва ҳар бир қизиққан инсон ён дафтарига ёзиб олиши ва агар у ижодкор бўлса, уни ўзи учун йўл-йўриқ деб билиши мумкин. Чунки бу фикрлар бугунги кун ёшлари учун ҳам ғоят қадрлидир.

Рисолада устознинг сўнгги кунлари ҳақида ўқиганда эса юрагингиз эзилади. Қанд касалига учраган ёзувчининг Москвада, оддийгина шаҳар касалхонасида кўп кишилик палатада кечган кунлари, юракларида пайдо бўлган оғриқлар ҳақида ўқиб, ғамга чўмасиз, бехосдан кўзингизга ёш қалқади. **«Абдулла Қаҳҳор аҳволлари оғирлигини сезиб, мени Тошкентга олиб кетинг, дея қисталанг қила бошладилар...» Шунча кундан бери «вой» демаган одам кечаси бир бор «воҳ» деб қўйдилару худди ўзларидан ўзлари хижолат бўлгандай:**

**— Мен оламдан ўтиб кетаётганим учун «оҳ» чекаётганим йўқ, — дедилар. — Уй-жойим, боғу ҳовлим туриб, шу катакдай уйда, темир каравотда, яна ёру дўстларим билан видолашмай кетаётганимга «оҳ» чекдим.**

Бу сатрларни ўқиб, оғир ўйга толасан киши. Ёзувчи армони менинг тинчимни ўғирлайди. Фақат... фақат икки катта шахс босиб ўтган нурли йўлларини эслабгина кўнглим бироз таскин топади. Қолаверса, устознинг Кибриё опа ҳақида айтган илтифотли сўзлари менга далда беради: **«Агар мен Абдулла Қаҳҳор бўлган бўлсам, сиз туфайли бўлдим... Сиз бўлмаганингизда мен эҳтимол йигирма йил бурун ўлиб кетган бўлардим...»**

Абдулла Қаҳҳор ўзининг қадрдон оиласига шундай баҳо бериб кетди: «Менинг даргоҳим муқаддас эди, мендан кейин ҳам муқаддас бўлишини истайман».

Кибриё опа устознинг бу ўлмас васиятига умр бўйи амал қилди. Муқаддас даргоҳ муқаддаслигича қолди. Кибриё опа ҳаётининг сўнгги лаҳзаларигача муборак гўшанинг чироғини ёқиб ўтирди. Зеро, бу чироқ бугун ҳам ёниб турибди. Унинг ҳароратли нурлари юзлаб, минглаб кўнгилларни иситяпти.

**Яйра САЪДУЛЛАЕВА**

### АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲИКМАТЛАРИ

Инсон ҳамма ерда улуғ... Унинг улуғлиги қўлидан келган ишларда, яратувчилигида кўриниб туради.

* * *

Одамнинг ёмони бўлмайди. Биров тош, биров гул, ўз жойида иккови ҳам яхши.

* * *

Биров гапни ёғлаб гапиради, биров тиканак боғлаб гапиради... одам гапни қай тарзда гапирганига эмас, нима деганига қаралса, дуруст бўлар...

* * *

Талант учун энг хавфли шира «офарин»чиликдир.

* * *

Адабиётда ёлғоннинг каттакичиги йўқ. Ҳаммаси ҳам баравар зарардир.

* * *

Беихтиёр қилинган гуноҳни кечирса бўлади. Аммо билатуриб, ростини қўйиб, ёлғон гапирган одамнинг гуноҳини кечириб бўлмайди.

* * *

Бир донишманд уятни «виждоннинг сиртқи кўриниши» деди. Демак, уятсизлик билан беадаблик, беадаблик билан ахлоқсизлик, ахлоқсизлик билан жиноятчилик орасида қалин девор йўқ, буларнинг ҳар бири виждонсизликнинг турли босқичидир. Модомики, шундоқ экан, уятни жамиятимизни бало-қазодан асрайдиган буюк посбон дейиш мумкин.

* * *

Имон деган нарса дилда бўлади.

* * *

Уят фақат инсонга хос туйғудир.

* * *

Ёш боланинг қуввати икки оёғида бўлади — юриб, югуриб чарчамайди; йигитнинг қуввати белида бўлади — меҳнат қилиб чарчамайди; қариларнинг қуввати қаерида бўлади? — Дилида бўлади. Ҳеч ким бардош бера олмайдиган ғамга қари одам бардош беради.

# АСЛ ЛИБОСЛАР НАМОЙИШИ

## КЎРГАЗМА

***Андижон вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида «Асл либослар» маркази ташкил қилинди. Унда Андижон енгил саноат касб-ҳунар коллежи илк маротаба либослар кўргазмасини намойиш этди. Унда вилоятда фаолият юритаётган ўқув марказлари, чевар-ҳунармандлар, модельерлари, якка тартибда иш юритувчи тадбиркорлар, олий ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежларининг шу соҳада ихтисослашаётган талабалари иштирок этдилар.***

Замонавий ва миллий услубда, табиий матолардан тикилиб, намойиш этилган либослар, бежиримлиги, ярашиқлиги билан киши диққатини ўзига тортди. Қўл меҳнати билан берилган безак либосларга ўзгача кўрк бағишлади.

Айниқса, «Шуҳрат-люкс», «Нилуфар-элита», «Иффатли келин» ўқув марказлари яратган кийим-бошлар, дўппи ва зарчопонлар миллий қадриятларимизни ўзига хос услубда намоён этган.

— Ёшлигимдан бичиш-тикишга қизиқардим, - дейди кўргазма иштирокчиси пахтаободлик Шарифахон Шарофиддинова. — Ўзим расм чизиб, эскизлар яратардим. Буни кўрган онам мени «Иффатли келин» ўқув марказига олиб келди. У ерда ўқиб, кўп билимларни ўргандим. Бугун эса шу ўқув марказининг модельери сифатида ўз либосларим билан иштирок этяпман.

Асака шаҳридан якка тадбиркор Ёрқиной Назарова ўзининг «Болажон» коллекцияси билан, Андижон туманидан Нарғиза Мирзаолимова халқ дидига мос келадиган миллий, табиий матоларга жило бериб, ўз харидори ва мижозларига эга бўлди.

— Бугунги кўргазма катта аҳамиятга эга, — дейди «Ташаббус» танловининг ғолиби Умрбек Тожибоев. — Чунки ёшларимизнинг мода кетидан қувиб, ўзбекона кийимларимизни унутиб қўяётганидан ташвишда эдим. Намойиш этилган либосларда азалий қадриятларимиз акс этгани қувончли. Айниқса, оналаримиз, момоларимиз кийган табиий мато адрас-у, шойилар, нимчаю, дўппилар қўли гул ҳунармандлар, чеварлар қўлида янада сайқал топиб, тортиқ қилинаётгани айни муддао бўлибди.

«Асл либослар» маркази шундай кўргазмалар билан бирга ҳар фаслда либослар танловини ҳам ўтказиб боришини эълон қилди.

— Бундан мақсад, — дейди марказ раҳбари Манзурахон Рўзиева, - миллийлигимизни улуғлаш, ота-боболаримиз кийган кийимларни тарғиб қилиш. Энг муҳими, Андижон аёлларига мос, миллийлигимизга эса хос бўлган оддий ва бежирим, ярашиқли кийимлар билан хизмат кўрсатишдир.



**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**Андижон вилояти.**

*Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.*

# ЖАБРДИЙДА КИМ — АНДИШАМИ?

**ТИББИЙ МАДАНИЯТ**

Хосият хола кенжа ўғли хизматдан қайтиши билан тўй тараддудига тушиб қолди. Қобилжони ҳам акаларидек ақлли, андишали. Бу хонадонда онанинг гапини икки қилувчи йўқ. Яхши-ёмон куннинг ташвишига ҳамма бирдек елкадош.

Хола келин танлашда сира адашмаган. Қўшни маҳаллага тушган қизининг қайниопасиникига маъракага борганида хизмат қилиб юрган эпчилгина қизни кўз остига олиб қўйган. Кенжаси шунга уйланади.

— Никоҳдан ўтиш учун бир ой бурун ариза бериб, тиббий кўрикдан ўтмаса бўлмайди, — деди тўнғичи онаси «совчиликка бор, тўйни тезлаштирмасак кузги тўкинчилик ўтиб кетади», дея шошилтиравергандан сўнг. — Ундан кейин бу талабнинг ёмон жойи йўқ.

— Сен айтганимни қил, уёғини менга қўявер, - деди хола ҳар доимгидек чўрткесарлик билан.

— Кечагина аскарликдан қайтган укангда касаллик нима қилсин. Ундан кейин ойдек қизга «дўхтирдан ўт» дейиш ҳам уят. Онанинг айтгани бўлди. Мулла ўқиган никоҳ билан икки ёш оила қуришди. Чиндан ҳам келинчак мақтаса мақтагулик. Хатти-ҳаракатлари ҳуснидек чиройли. Хола, тоғоралар кўтариб, келинини эргаштириб кирган хонадонлар чарақлаб кетади, гўё. Ҳаммаси рисоладагидек эди... Аммо бир оқшом алламаҳалда Қобилжоннинг онаси ётган уй деразасини чертиб: «Келинингиз икки-уч кечадан буён мазаси бўлмай инқиллаб чиқаяпти» дейиши холани шошириб қўйди. У дард билан олишаётган келинини бағрига босаркан, негадир хаёлидан тўнғичининг «тиббий кўрик» ҳақидаги гаплари ўтиб, бутун вужуди титраб кетди. Хосият хола «янги келинни касал десак, маҳалла-кўй нима дейди, қабилида иш тутиб, бир ҳафтача ўзи дори-дармон қилди. Лекин келинчакнинг аҳволи оғирлашавергач, «Тез ёрдам» чақиришга мажбур бўлишди. Текшир-текширлар, турли таҳлиллардан сўнг... келинчакнинг аввалдан сил билан хасталаниб юргани аниқланди. Хола лабини тишлаб қолди. Меҳр қўйиб, қизидек азиз кўриб қолган келинига қараб бир куйса, хотинини жонидан ортиқ суюб қолган ўғлининг беғубор юзига қараб яна бир куярди. Даволатиш учун қилинган барча ҳаракатлар зое кетди. Бора-бора холанинг ўзи ҳам «икковиям умрини беҳуда ўтказишаяпти» деган хулосага келди-ю, зор-зор йиғлаб, озиб-тўзиб кетган келинини ота уйига кузатиб қўйди. Қобилжон қайта уйланди. Лекин кўнгли ҳамон биринчи аёлида эди...



— Биз никоҳдан ўтиш учун ариза берувчиларга ўша заҳотиёқ ўзлари яшаб турган ҳудуддаги тегишли шифо масканларида тиббий кўрикдан ўтишлари учун йўлланма берамиз, - дейди **Тошкент шаҳридаги Юнусобод тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Марҳамат Йўлдошева**. — Улар барча мутахассис врачлар кўригидан бепул ўтиб, таҳлиллар топширишади. Агар бу тадбирни тўғри тушуниб амал қилсак, аслида катта имтиёз, имконият ҳамдир. Афсуски, бу қулайликдан барча бирдек онгли равишда фойдаланмаяпти.

— Тиббий кўрикдан ўтиш онда-сонда учраши мумкин бўлган сил, орттирилган иммунитет танқислиги, гиёҳвандлик каби хасталикларнинг аниқланиши ва олдини олишга ёрдам беради, - дея мавзуга ойдинлик киритади **Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг инсон репродукцияси бўлими ходими, олий тоифали акушер гинеколог Наргиза Отажонова**. - Баъзан «қон таҳлили» жуда юзаки нарсадек туюлади. Лекин болаларда учрайдиган «Резус келишмовчилик» хасталиклари эр-хотинларда учрайдиган айнан қон таркиби резус факторларининг турличалигидан келиб чиқиши мумкин. Бу масала ҳам жиддий эътибор қаратишни талаб этади.

... Биз юқорида Хосият хола мисолида ҳаётда учраши мумкин бўлган биргина воқеликни келтириб ўтдик. Унда ким айбдор бўлди-ю, ким жабрини чекди? Андиша ўзбек аёлларига хос хислат. Аммо андишани рўкач қилиб қонунга бўйсунмаслик, белгиланган талабларга амал қилмаслик туфайли бир оила барбод бўлди. Кўнгиллар айриликдан дарз кетди. Унинг олдини аввалроқ олиш ҳам мумкин эди-ку? Қачонгача андишанинг оти қўрқоқ бўлади?

**Ойбуви ОЧИЛОВА,**
**журналист.**

# «МАТЕМАТИКАСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ»

**— дейди Тошкентдаги 251-мактаб ўқитувчиси Дилбархон ФОЗИЛОВА**

Яқинда бир даврада физика-математика соҳасида ишловчи аёл билан ёнма-ён ўтириб гаплашиб қолдик. Гурунгимиз мавзуси болалар тарбияси, уларни касбга йўналтириш ҳақида кетди. У киши гап орасида: «Менинг икки ўғлим ҳам отаси ва менинг соҳамни, яъни математикани танлашди. Аммо ёлғиз синглисини эса математик бўлишини хоҳламади. Нега десангиз, математика фани қийин фан, айниқса, аёл киши учун» деди...

Ҳақиқатдан ҳам ўқитувчилар орасида эътибор берсангиз, математи-



кадан дарс берадиган аёл ўқитувчилар камчиликни ташкил этади. Лекин биз бугун сизга таништирмоқчи бўлган Дилбар Фозилова ушбу соҳанинг энг жонкуяр фидойиларидан бири. У киши олий ўқув юртини имтиёзли битиргач, кибернетика институтида илмий ходим бўлиб фаолият кўрсатган. Оилавий шароити туфайли Учтепа туманидаги 251-мактабга математика ўқитувчиси бўлиб ишга кирган экан.

**ТАЪЛИМ**

— Илмий иш билан шуғулланишни бошлаб, охиригача етказа олмадим. Шароитим кўтармади. Лекин, бундан ҳеч қачон афсусланмайман, — дейди Дилбар опа шодмонлик билан. — Чунки ҳалол меҳнатим туфайли жуда кўп ютуқларга эришдим. Қанча-қанча шогирдлар етиштирдим. Ҳаётимнинг кўп қисми илмий доираларда ўтгани туфайлими, мактабда ҳам ана шундай муҳитни яратишга интилдим. Ўқувчилар билан ўзаро дўстона муносабатда бўламан. Қобилияти бор болалар билан алоҳида шуғулланаман.

Дилбар опа аниқ фандан сабоқ берса-да, лекин ҳар бир гапида турли ривоятлар, мақоллардан мисол келтириб сўзлагани учун у кишини мактабда ҳамма «мақолчи опа» дейишаркан.

Аёл киши учун ҳам оилани, ҳам севган касбини бир маромда олиб бориш катта масъулият, меҳнат талаб қилади. Қаҳрамонимиз эришган ютуқларида отаси ва қайнонасининг ўрни беқиёс деб билишини алоҳида таъкилади. «Отажоним — менинг ҳаёт йўлимдаги, қайнона-онам эса касбимдаги устозим. У киши менинг ишлашим учун ҳамма шароитни яратиб берганлар, болаларимни тарбиялашда суянчиқ бўлганлар. Улардан мен муомала маданиятини, энг муҳими инсонийлик илмини ўрганганман. Ана шу илмларнинг ҳаммаси бориб-бориб математикага уланади. Усиз шахсан мен ҳаётимни тасаввур қилолмайман», — дейди фахрланиб.

Яна бир ибратли жиҳати, Дилбар опанинг оиласидагиларнинг деярли ярми оналари ардоқлаган муборак ном — мураббийликни танлашган. Тўнғичи Абдулазиз Техника университетини битириб, компьютер соҳасида ишлайди. Қизи Азизахон эса ўзи каби муаллима. Иккинчи қизи Камола дизайнер. Кенжатойи Абдуазим Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги лицейда таълим олаяпти.

**Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА**

# ЛАҚАБ ҚЎЙИШГА ЎРГАНМАНГ

**ТААССУФ**

Мен кетаётган автобусга кейинги бекатдан 3-4 ўсмир йигитлар чиқди. Улар бир-бирларини лақаб билан, мазахлашиб гаплашишарди.

— Ҳа, калбош, бугун нима қилмоқчисан?

— Эй, маллавой, аввал дарслардан қутулиб олай, кейин бир гап бўлар...

Қисқаси, учинчи йигит ҳам шу йўсинда гапга аралашди. Уларни кузатиб турган нуроний оқсоқол: «Болалар, сал маданиятли бўлинглар, аввало пастроқ гапиринглар, иккинчидан, ота-онангиз берган чиройли исмларингиз бўлса керак, нега бир-бирингизга лақаб қўйиб чақираяпсиз, бу ҳақдаги ҳадислардан, хабарингиз йўқми? Уят бўлади-я», — деди. Йигитлар жим бўлиб қолишди...

Ҳақиқатан ҳам, кўча-кўйда, турли давраларда бир-бирларига лақаб билан мурожаат қилаётган, исмларини чала айтиб чақираётган кишиларни, айниқса, ёшларни тез-тез учратиб турамиз. Кўпчилик оилаларда ота-оналар ҳам ўз фарзандлари исмини тўла айтишмайди, бу эса ёши улғайгач ҳам давом этаверади. Масалан: Гуландом — «Гуля», Абдураҳмон — «Абди»... Шунингдек, айрим оилаларда ака-укалар, опа-сингиллар, ҳатто, ота-оналар ҳам ўзаро лақаб қўйиб чақиришади: кўпроқ гапирса - «лақма», сочи олинган бўлса — «кал», «калбош», кўзи хирароқ кўрса — «шапкўр», қулоғи яхши эшитмаса — «кар»... ва ҳоказо.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: Бухорода нотиқлик курсида ўқиётганимда, пойтахтдан келган олимларнинг маърузаларини эшитгандик. Ҳуқуқий тарбия йўналиши бўйича маърузалар ўқиган профессор А.Ортиқов ҳар бир мавзуни, албатта, ҳаётий мисоллар билан мазмунли, қизиқарли баён этарди. Лақаб қўйиш, унинг турли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилиб, ўзлари қатнашган бир суд жараёни ҳақида гапириб берганди: Суд иши кетаётса, адвокат сўзга чиққиб, нуқул «жаноблар, жаноб судья» деб такрорлайверган, такрорлаш сони ўндан ошгач, судьянинг жаҳли чиқиб: «Нималар деяпсиз, айбланувчи ҳақида гапиринг, бир сўзни ҳадеб такрорлаяпсиз, нима, бизни мазах қилаяпсизми?» — дебди. Суд иши ука акасини болта билан уриб ўлдиргани ҳақида экан. Ҳалиги оқловчи: «Мен сизларни ҳақорат қилмадим, фақат, хизмат вазифангизни таъкидладим, холос. Сиз шуни ҳақорат, мазах, деб тушунаяпсиз, энди, уканинг сабр-тоқатига қойил қолиб, акасини нега ўлдиргани ҳақида эшитинг», деб қуйидаги воқеани айтиб беради:

... Ука 3-4 ёшларда бўлган вақтида бошига яра чиқиб, уни тери касалликлари касалхонасига ётқизишган, тиббиёт ходимлари 10-15 кун давомида сочини олиб, ярасини даволашган. Ука даволаниб, уйга келгач, акаси уни «кал» деб атай бошлаган, бу лақаб ҳар куни 10-15 бор такрорланган. Ука вояга етган сари таҳқирлаш ҳам авж олган. У сабр билан чидаган, ота-онаси ҳам бунга «э, ҳазиллашаяпти-да», деб эътибор беришмаган. Ука ўрта мактабни тугатиб, олий ўқув юртига кириб ўқий бошлайди. Бир куни уйида ўтин ёраётса, акаси яна: «Ҳа, кал, ўтин ёраяпсанми? Ғайрат қил, калжон!», деб мазах қилган. У: «Ака, ёшимиз ҳам анчага борди, лақаб билан чақиришни бас қилинг, илтимос, ўз исмим билан атанг», – деган. Акасиям бўш келмай «ўв, кални кал, кўрни кўр, дейдилар, нима, бир вақтлар кал бўлганинг эсингдан чиқдими?» – деб яна жиғига теккан. Охири укаси ҳам чидай олмай болта билан акасининг бошига урган...

«Ҳурматли судья, ана энди хулосани ҳам, сўнгги ҳукмни ҳам қандай чиқариш сизга ҳавола», – дея оқловчи сўзини тугатган экан.

Суд белгиланган оғир жазо муддатини камайтириб енгиллик берибди.

Ҳали-ҳали лақаб билан бир-бирларини чақирганларни эшитсам, кўрсам, шу воқеа ёдимга тушади.

Эгизак невараларим бор, бири Гулшан, иккинчиси Равшан. Ака-опаси уларни Гуши, Равил деб аташганини эшитиб қолдим. Койиш, танбеҳ бериш ўрнига ҳадислар, доноларнинг сўзларидан мисоллар келтириб насиҳат қилдим, «исмларни тўлиқ айтинг, бир-бирингизга лақаб қўйманг, сиздан бошқалар ҳам ўрганади, чиройли исмларингиз билан чақиринг», дедим.

**Марат АҲМЕДОВ,**
**Бухоро вилояти.**

# «ТАНЛОВМАНИЯ»

**Танловларнинг оммалашаётгани яхши ҳолат. Негаки, саралаш бу – иқтидорлар кўп дегани. Саралаш бу – рақобат юзага келади, дегани.**

Аслида танловнинг ўзидан кўра, унга тайёргарлик жараёни мароқли ва аҳамиятли. Нафақат шогирд, балки унинг устози, ота-онаси ҳам анча муддат аниқ мақсад йўлида яшайди. Иштирокчи китоб, газета ўқийди, ўз устида ишлайди, ўзини бошқалар билан солиштириш имкониятига эга бўлади.

Танлов бу – интилишдаги рақобат. Айниқса, бунда ғолиб ёки совриндор бўлганлар янгича куч-ғайрат билан ижод қиладилар. Ғолибликнинг имтиёзи бўлади. Фахри, обрўсини айтмайсизми? Хусусан, давраларда «Энди навбат ... танлови ғолибига!» дейилса, тўпланганларда саҳнага чиқувчига нисбатан меҳр уйғотади.

Давлат мукофотини олган курсдошимиз бўларди. Ҳаммамиз унга ҳавас билан қарардик. Лекин унда мақтанчоқлик, кибр-ҳавога берилиб, ўзини катта тутиш кўзга ташланди. Ўз устида ишламай қўйди, дарсга ҳам тўлиқ қатнашмасди. Ҳатто домламиз «янги шеърларингдан ўқиб бер», деганда ҳеч нарса айта олмади. Бундайлар орамизда кам дейсизми?

Яна бир талабани танирдим. Дарсда ўзини кўрсатгани йўқ. Билими ўртача. Лекин у республика миқёсидаги катта бир танловга номзодини қўйди. Ҳамма ҳайрон. Кейин билсак, отаси таниқли профессор экан. Тўғри, у совриндор ҳам бўлмади. Лекин «адолат йўқ экан, иқтидоримни тўғри баҳолашмади», деб маломат қилиб юрди.

Камола исмли курсдошим бор эди. Уни «Қизлар давраси» кўрсатуви орқали ҳамма танирди. У ҳеч қачон ўзини кўрсатишга интилмасди. Очиғи, айрим дарсларга келмаслиги ҳам мумкин эди. Лекин у бирорта дарсни қолдирмасди. Семинарларда энг фаол қатнашарди. Бир куни дарсда устозимиз Камоланинг Президент стипендианти бўлганлигини айтиб қолди. Ҳамма ҳайрон. Шунча ташвишдан ортиб, танловда қатнашган, ҳеч қандай шов-шув кўтармаганди. Стипендиант бўлгандан кейин ҳам бирор кишига мақтанмади. Ўшанда уни яна ҳам каттиқроқ ҳурмат қилдик. Бу нуфузли стипендияни ўзимиз олгандек ҳис қилдик.

Яқинда олдимга бир талаба келди. Олий ўқув юртининг биринчи босқичида ўқиркан.

– Танловда қатнашмоқчиман, ҳужжатларимни бир кўриб берсангиз, – деди.

**МУЛОҲАЗА**

Ўқиб кўрсам, тайинли иши йўқ.

– Ўтган йил ҳам қатнашгандим. Бир ойда ул-бул мавзуда мақола ёздим. Отамнинг таниши чиқариб берди. Лекин вилоят босқичидан ўта олмадим.

-Бу йил ҳам ҳеч гап йўқ-ку!

– Сал ёрдам беринг… Рози қиламан.

Ёзиб беринг, дея олмади. Лекин бунақалар йўқ, деб ўйлайсизми? Ҳайронман, айрим ёшларда танловга ўзини кўр-кўрона уриш касали қаердан пайдо бўлаяпти? Бундайлар бир-икки ой ҳамма ишини, ҳатто ўқишни ҳам йиғиштириб қўйишади. Иқтидори ўртамиёна (ёмон эмас!) эканлигини ҳеч кимдан эшитмагандан кейин 2-3 та танловларда қайта-қайта иштирок этаверади. Ана шундай ёшлардан бири ишонасизми, ўзи қатнашаётган танлов шартлари ҳақида ҳеч нарса билмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?

Мақолага бежиз «Танловмания» деб сарлавҳа қўйганим йўқ. Эҳтимол, бу айримларга эриш туюлар. Аммо бу бор гап. Бундайлар азбаройи ҳаракати учун совриндор бўлиб қолиши ҳам мумкин. Лекин унинг атрофидаги чинакам иқтидор соҳибларига бундай сунъийлик салбий таъсир кўрсатиши ҳақида ҳам бош қотирадиган пайт келди, деб ўйлайман.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА**

# ТАРОЗИнинг икки палласи

***тенглашса мувозанат бузилмайди***

Яхши ниятлар билан қурилган оила ажралиб, ўртага ёмон сўз тушганда арши аъло ҳам ларзага келаркан.

Қиз бола «палахмон тоши». Борган жойида тиниб-тинчиб, униб-ўсиб кетиши хонадон соҳибу соҳибаларига ҳам боғлиқ. Тўй қилиб, элга дастурхон ёзишнинг ўзи бўлмайди. Шунга қарамай, ҳали-ҳануз ёш оилалар орасида ажрашиб кетиш ҳоллари учраб турибди.

**ФИКР**

«Хўш, нега бундай бўлмоқда? Бу масалада ким кўпроқ айбдор, қайнонами, келинми ё эрми?» деган ҳақли савол туғилади.

Руҳшуносларнинг фикрича, оиланинг бузилишига қайнона-келин муносабатлари кўпроқ сабаб бўлар экан. Баъзан эр-хотиннинг келишмовчилиги бир-бирини тушунмаслиги боис ҳам оила бузилади. Айрим ҳолларда келин нобоп чиқади, ё эр ношуд бўлади.

Бу ҳам майли, бегона оилага тушган келинчакни ушбу хонадонга мослашишига имкон бермай, уни ҳар қадамда тергаб туриш овсинлар орасида ҳам учраб туради. Шундай вазиятда қайнона ақл билан иш тутмай, икки томонни муросага келтириш ўрнига жанжални баттар аланга олдиради. Оқибатда янги келинчак ҳали бу хонадоннинг паст-баландига тушунмай туриб, ноўрин танбеҳ эшитади. Илож қанча?..

Бир оилани биламан. Қайнона-келин сира чиқишмайди. Ўғли ақлли, фаросатли йигит эди. Онаси ва аёлини муросага келтира олди. Тарози палласининг бирига хотинини, бирига онасини қўйиб, иккисини тенг кўрди. Шу боис бу оиласида ҳамиша тинчлик ҳукмрон.

Келин ҳам бора-бора қайнонанинг ўтидан кириб, кулидан чиқадиган бўлди. Шундай бўлгач, қайнонага ҳам инсоф берди. Эр қилган ишидан хурсанд. Оиласининг бузилиб кетишига йўл қўймади. Қанийди, ҳамма эркаклар ҳам шундай бўлса? Ана ўшанда бутун оилалар яримтага айланмасди.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА**

# РАШК

**ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ**

У ҳар қанча уринмасин, хотини ҳақида эшитганлари бўҳтон эканлигига ўзини ишонтира олмади. Зафар бемаъни рашк туфайли аёли олдида беобрў бўлишни истамасди. Дўстларини-ку қўяверинг, уларга бир гап тегмасин.

Зафар ўзининг эрлик ҳамиятини сақлаб қолиш учун севиб ёки севилиб турмуш қуришни зарур деб билмаган. У эркаклик ғурурини ҳамма нарсадан устун деб билар, шунинг учун ҳам тўйдан уч кун ўтибоқ, хотинини ишдан бўшатиб олди.

— Шеър ёзадиган одам бирон-бир жойда ишлаши шарт эмас. Уйда ўтириб ҳам ёзаверасан ўша достонингни, — деди у. Лекин Зафарни ҳеч қачон Диломнинг ёзганлари қизиқтирмаган, ҳатто ўқиб ҳам кўрмаган эди.

Эрини муросага чақириш бефайдалигини тушуниб, бу мавзуга бошқа қайтмади. У Зафарни рашкчи деб билмасди. Чунки дугоналарининг турмуш ўртоқлари ҳақида гапириб, сиз ҳам мени рашк қиласизми, деб сўраганида, Зафар:

— Ўзини хотинидан паст тутган эркак аёлини дуч келгандан рашк қилади. Рашк шайтоннинг иши, — дея жавоб берган эди. Бироқ, бу масалада Диломнинг қарашлари ўзгача. Унинг фикрича, иймонли киши рашк қилишни ҳам билиши керак.

Хуллас, янги очилган дўкондаги сотувчи Диломнинг собиқ синфдоши экан. Аввал бу ҳақда хотини гапирган бўлса ҳам, Зафар бунга кўпам эътибор бермаган эди. Кеча ишхонада оғайниси Баҳром: «Хотинингни дўконда кўрган эдим, айтдими? Дўкончи билан жа апоқ-чапоқ эканми дейман. Эшитишимча, севган қизини сен илиб кетиб боплаганмишсан. Шу ростми?» — деса бўладими?!

Зафар унга жавобан нима дейишни ҳам билмай қолди. Ошнасининг бу гапини, ўла сўтак, сен ҳам эркакмисан? - дегандай тушуниб, жаҳли чиқса ҳам ўзини аранг тутди. Чунки у оғайнисидан кўра, Диломга кўпроқ ишонарди. Қизиқ, шу пайтгача Зафар хотинини севиш-севмаслиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эди. Энди билса, Дилором севишга лойиқ, оқила аёл экан. У эрини шу қадар ҳурмат қилганидан бир маҳаллар ўзини севган йигитлар ҳақида Зафарга умуман оғиз очмаган. Аслида қизлар севимли бўлишни мақтанишга арзийдиган воқеа деб қабул қиладилар.

Рашк ўтида ёнаётган Зафарни гумон, шубҳа турли кўчаларга етаклаган бўлса ҳам, уйига келгунича ўзини анча босиб олди. Айниқса, у ошхонада куймаланаётган Диломга кўзи тушганда барча тахминлари тарқаб кетгандай бўлди. Дилором эрининг ишдан келишига пешвоз чиқар экан, қўлини фартугининг бир учига артган қўйи унинг кўзларига меҳр билан боқиб турарди. Иссиқ ошхонадан чиққанлиги учунми ёки ҳозирги шодмон ҳолатиданми, аёлнинг икки юзи қизариб, ёноқларида билинар-билинмас дур доналари акс этиб турарди.

Зафар кийимларини алмаштириш учун уйга кирганда, стол устида турган қоғозга кўзи тушди. Бу — эрта тонгда Дилором битган шеър эди:

***Севинчнинг покиза юзига,***
***Қайғунинг лаблари босилар.***
***Чирмашиб меҳрнинг бўйнига,***
***Қаҳрнинг қўллари осилар.***
***Ғалаба қозонган адоват,***
***Кетаркан отини қамчилаб.***
***Ўртада саргардон вафонинг,***
***Қонлари тўкилар томчилаб...***

**Аллома АЗИЗОВА,**
**Тошкент вилояти, Тошкент тумани.**

# СОВЧИЛАР

**БИЛСА ҲАЗИЛ...**

Ҳуриниссо хола яна совчилар келишаётганидан хабар топгач, эрталабдан қизларига ҳовлини тартибга келтиришни буюрди. У ўзида йўқ хурсанд эди. Совчилар эса таниш дарвоза қаршисида бир муддат туришгач, ўйнаб юрган беш яшар қизалоқнинг қўлига конфет тутқазиб: «Уйдаги опанглар нима билан машғул?» — деб сўрашди. Шунда қизалоқ:

***Катта опам ипак билан***
***Матога кашта тикар.***
***Тикканлари ёқмас, кейин***
***Ипларни қайта сўтар.***
***Кичик опам ўсма эзиб,***
***Тойошнага қарайди.***
***Онам: «Мунча пешонам шўр», —***
***деб иккисини қарғайди.***

Қизларнинг мақтовини келтирган совчиларнинг ёши улуғи ҳанг-манг бўлиб тили калимага келмай қолди. Кейин улар остона ҳатлаб ҳам ўтирмай ортига қайтишади...

**Абдулла САИДОВ**



# ХОНҚАНИНГ ЎЗ «БОҒИШАМОЛ»И БОР

Дилбархон озиқ-овқат маҳсулотларини ошхонага тушираркан,ичкарига киришга ийманиб эшик олида турган уч нафар болага кўзи тушди. Таниди — 16-мактаб ўқувчилари... Тушлик пайти бўлгани учунми, чойхона хўрандалар билан гавжум эди. Болаларни ўнғайсиз ҳолатдан қутқариш учун ўз хонасига бошлади. Бугунги таомномада кўрсатилган овқатлардан ташқари конфет ва мева-чевалар ҳам илинди. Улар маза қилиб овқатланишгач, «қўли очиқ опа»га раҳмат дейишганча чиқиб кетишди. Унинг кейинги «меҳмон»лари – кексалар эди...

**ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА**

Бу ҳар кунги манзара. Ўзи ҳам ўрганиб қолган. Шу чойхонани очишганидан буён «Камолот», «Беҳзод» маҳаллаларида яшовчи уч нафар кекса ва бир неча ўқувчига бепул тушлик улашади. Гоҳо уларга кўнглидан чиқар[illegible] совға-саломлар ҳам беради...

Кимлигидан қатъи назар, сахийлик қилиш, муҳтожларга саховат кўрсатиш раҳматлик отаси Муҳаммад оғадан тўрт ўғил, тўрт қизга мерос бўлиб қолган, десак янглишмаймиз. Отаси ҳам кўп йиллар нон маҳсулотлари тайёрлов цехида ишлаб, тўй, маъракаларда маҳалла аҳлининг ишонган «ёшулли»си сифатида қўлидан келган ёрдамини аямаган. Онаси эса ўқимишли, кайвони аёл бўлгани учунми ( ҳозир 75 ёшда), фарзандларини ҳам ҳар доим, одамларнинг кўнглини олишга ундайди.

Дарвоқе, 1996 йили кичкина бир дўкончани хусусийлаштириб, тадбиркорликни бошлаган хонқалик Дилбар Жуманиёзова ҳақида гап очилса, уни таниган-билганлару тенгдош дугоналари ҳам шундай таъриф беришади: «Бу қизимиз бекорга Бухорога бориб, савдо ва тижорат соҳаси бўйича ўқиб келмаган экан. Мана, йигирма йиллардан ошди-ёв, Хонқамизда ўзининг ташаббускорлиги, меҳнаткашлиги ва энг муҳими, сахийлиги одамлардан раҳмат эшитишга арзирли хайрли ишлари учун обрў қозонди».

Албатта, Хоразм томонларда, айниқса, Хонқада ишбилармон, кўзи тўқ ва қўли очиқ инсонлар тез тилга тушади. Аввалига «Боғишамол» дея довруғли номга эга бўлган бу гўшани очганида айримлар «Қани кўрамиз, бу аёлнинг қўлидан не иш келар экан, одамлар кўнглини олиш осон иш эмас, бу жой агар хўранда-мижозларга ёқса-ку яхши, бўлмаса ҳеч ким келмай қўяди», – дея шубҳаланганлар Дилбархоннинг улусга ёқадиган тадбирларини кўриб, ўзлари тан беришди. Ва «отасининг дуосини олган экан-да, қаранглар шунча одамга холис хизмат кўрсатяпти, тағин хайрия йўлида ҳам қилган амаллари ҳақида ҳаммаёқда мақтовли гаплар айтиляпти», дея эътироф этишди.

Айни пайтда хўрандаларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, чойхона 150 ўринлик қилиб кенгайтирилди. У ҳукуматимизнинг тадбиркорларга яратаётган имтиёзларидан фойдаланиб, «Пахтабанк»нинг туман бўлимидан 12,5 млн. кредит олиб, фаолиятини янада ишини ривожлантиряпти. Йигирмадан зиёд одамни иш билан таъминлади. Бу борада уни туман хотин-қизлар қўмитаси, тадбиркор аёллар уюшмаси ва қолаверса, маҳалладошлари ҳам қўллаб-қувватлаётир. У бир вақтлар Туркия, Греция, Югославия ва Италия давлатларида бўлиб, уларнинг ошхоналаридаги хизмат кўрсатиш маданиятига ҳавас қилиб қайтганди... Энди эса Хоразмга келган хорижлик меҳмонлар воҳанинг ўзига хос тавозесига тан беришяпти.

**Санобар ФАХРИДДИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

# ОҒУФУРУШ ОИЛА

**Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди яқинда хавфли уюшган жиноий гуруҳ устидан адолатли ҳукм чиқарди. Судланувчилар 18 киши. Ачинарли томони шундаки, улардан 11 нафари оила кўрки, ҳаёт қувончи дея эъзозлаб келинаётган муқаддас зот – аёллар, хотин-қизлардир. Ҳали суд тарихида бундай оилавий, яқин қариндош-уруғлардан иборат уюшган жиноий гуруҳ устидан ҳукм чиқарилганини ҳуқуқшунослар ҳам, жамоатчилик ҳам эслаша олмаса керак.**

... Карвак қишлоғига оқшом тушди. Кундузи ҳалол меҳнат қучоғидан қайтган қишлоқ аҳли оиласи бағрида, дастурхон атрофида ширин суҳбат қуриб, эртанги кун режалари, маҳалла-кўйдаги хайрли ишларга бош қўшиш ҳақида ўзаро гурунг қизиётган пайтда бошқа бир хонадонда қабиҳ ниятларни амалга ошириш тўғрисида бош қотиришарди.

– Гап бундай, жигарларим, – деди Ҳожар. – Раҳматлик отангизнинг ишини давом эттиришимиз керак! Ота касбини улуғлаган азалдан кам бўлмаган. Сизлар ҳам кам бўлмайсизлар. Ҳар бирингизда алоҳида машина, алоҳида ҳашаматли ҳовли бўлади. Чет элларга саёҳатга борасизлар.

Фарзандлар эътироз билдиришди.

– Отамизнинг касби «касб» эмас. Ахир у оғуфуруш эди-ку. Шунинг учун жазосини олди. Биз бу йўлдан бормаймиз, – деди ўғли Қобилжон.

Ҳожар чидаб туролмади. Бор заҳрини фарзандларига тўкиб-сочди:

– Менинг айтганим бўлади. Тамом! Агар билсангиз, «қора дори» меҳнати ҳам оғир меҳнат! Менинг айтганимни бажармасангизлар берган оқ сутимга рози эмасман.

Оила аъзолари онага қарши бора олишмасди. Ҳожар айтган ҳаром йўлдан боришга, ўртадаги гап-сўзларни сир сақлашга аҳд қилишди. Ҳожар эртасигаёқ эридан қолган 10 грамм энг кучли таъсир кучига эга гиёҳванд модда – героинни пуллаб, даромаднинг бир қисмига Шаҳодат исмли аёлдан яна героин сотиб олди. Шу тариқа оғуфурушликни бошлаб юбордилар.

Эрининг маъракасига сурхондарёлик дўсти Баҳодир таъзия билдиришга келди. Дуойи-фотиҳага қўшилиб, қайтар чоғида Ҳожарга маъноли қараш қилди. Улар боғнинг тўрига, панага ўтдилар.

– Мана, буни сотиб, рўзғорга ишлатасизлар, – деди Баҳодир 50 грамм миқдордаги героинни узата туриб. – Раҳматлик Муҳаммад чин дўстим, қадрдоним эди. Шундай пайтда мен ёрдам бермасам ким ёрдам беради?

– Раҳмат акажон! – деди Ҳожар кўзларига ёш олиб, – ҳақиқий дўст бошга кулфат тушганда билинади. Лекин бу кўпку. Сотиб, пулини бир қисмини сизга...

– Йўқ, йўқ! Ундай дея кўрманг! – деди Баҳодир – Дўстимнинг руҳи безовта бўлмасин. Фақат борди-келдини, бир-бировни қўллаб-қувватлаб туришни унутмайлик.



Ҳожар буни аллақачон тушунган эди. Героин билан таъминлаб турадиган шундай ишончли воситачини қўлдан чиқармасликни кўнглига тугди. Баҳодирнинг бу “ташрифи” оғуфурушлар оиласи фаолиятини жонлантирди. Ишлар юришиб кетди. Баҳодир, Шаҳодат каби таъминотчилар сафига Қутлибека, Насиба ва яна бошқалар ҳам қўшилди. 2002 йилнинг февралида 10 грамм героин сотиш билан бошланган фаолият кейинчалик 200 грамм, ярим килодан ҳам ошди. Лекин «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидай Ҳожар Қурбонова ва унинг ҳамтовоқлари фаолиятидан тегишли ташкилотлар огоҳ бўлишди. Х.Қурбонова Хоразм вилоят суди томонидан 2005 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан судланди. Унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 5 йиллик қамоқ жазоси белгиланди. Бироқ суд ҳукм чиқаришда Ҳожарнинг кўз ёшларини, тавба-тазарруларини, «келгусида бу ишни қилмайман» деган ваъдаларига ишониб, жазони шартлиликка алмаштириб, бир йиллик синов муддатини белгилади.

Жазодан осонгина қутулиб қолган Ҳожар суддаги ваъдаларини тез орада унутди. Яна ўз фаолиятини давом эттирди. Бу уни бир йил ўтмай 2006 йил 13 январда яна суд курсисига ўтказди. Бу сафар ҳам у қутулиб қолди. Тайинланадиган жазо 3 йиллик синов муддатига алмаштирилди.

«Тегирмонга тушсам ҳам бутун чиқаман», деб юрган Ҳожар ҳамкорлари қизлари Ҳуснида, Гулзора, ўғли, олдин 2 марта судланган Собиржон сафига яна бир ўғли, балоғатга етмаган Қобулжонни, келини Шаҳнозани, унинг синглиси Гулноза билан қудаси Ашша Саидаҳмедовани олдин икки марта қамалган, лекин «Амнистия тўғрисида»ги фармонга асосан жазодан қисман озод этилиб, судланганлик ҳолати тугалланмаган ўзининг укаси Қурбонбой Қурбоновни, унинг 20 ёшли қизи Азиза, қариндошлари Бикажон Собирова, аввал икки марта судланган Йўлдош Седаматов ва ҳамқишлоқлари Ўринбой Бобониёзов, Жамила Солаева, танишлари Арзигул Саъдуллаева, Насиба Искандароваларни ҳам қўшиб олди.

Ҳожар Қурбонова фаолиятини шу даражада кенгайтирдики, Ҳазораспдан Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари, қўшни Туркманистон, Қозоғистон республикаларини ҳам қамраб олди. Ҳожар бу ерларда ўзи каби «қора дори» савдосига ружу қўйган Ўғилой, Саломат, Насиба, Йўлдош, Хайрулло каби ҳамкорлари билан тил бириктирди.

2007 йилнинг феврал ойида гиёҳвандлик воситасини сотиш билан шуғулланиб, Қозоғистонда ҳибсга олинган синглиси Шарофатни судига борган Ҳожар, у ерда шоВотлик Саломат, қозоғистонлик Насиба билан танишиб, улар билан молни етказиб бериш юзасидан «битим» тузди. Орадан кўп ўтмай Ҳожар ҳазорасплик таниши Саломатдан 100 грамм героинни 1.800 000 сўмга сотиб олиб, қизи Ҳуснидани, укаси Қурбонбой кузатувида Қўнғирот орқали Қозоғистонга жўнатади. Орадан 5 кун ўтиб Ҳуснида “қора оғу”ни сотиб, 3 миллион сўмни онасига топширди.

Осон йўллар билан даромад топаётган Ҳожар рўзғор тебратишда қийналаётган ҳамқишлоқларига, ундан ёрдам сўраб келганларга «мурувват», «саховат» кўрсатишни ҳам унутмади. Лекин бекорга эмас. Бунинг учун улар гиёҳвандлик воситасини Қозоғистонга олиб боришлари керак эди. Шу шартга кўнган қудаси Ашша Саидаҳмедова 800 грамм, Арзигул Саъдуллаева 1 кг, Жамила Солиева 800 грамм, Насиба Искандарова 200 грамм гиёҳвандлик воситасини яширин йўллар билан Қозоғистонга элтишди. Сафардан кейин хизмат ҳаққи учун ҳар бири 50-100 минг сўмдан пул олишди.

Хуллас, судда жиноий гуруҳнинг фаолияти тўлиқ таҳлил қилинди. Судлов ҳайъати жиноятчиларга жазо белгилашда уларнинг аввалги ва сўнгги ҳаракатларини, гуруҳдаги ўрни ва бажарган вазифасини эътиборга олди. Гиёҳфурушлар «онахон»и Ҳожар Қурбонова Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир неча моддалари билан айбли деб топилди. Суд уни узил-кесил 14 йил, қизи Ҳуснида Салаевани 13, ўғли Собиржон Солаевни 18, укаси Қурбонбой Қурбоновни 17, қариндоши Йўлдош Седаматовни 14 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

**Кўклам РАҲИМОВ,**
**Абдулла САФОЕВ.**

# “МАЪРИФАТ БАРАКА” ГА РАҲМАТ

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

***Айнан шундай самимий дил изҳорини айрим юртдошларимиз бу ҳуқуқий адвокатлик фирмаси ходимлари кўмагида ўзлари дуч келган турли муаммо ва ташвишлари ижобий ҳал бўлганидан кейингина айтишмоқда. Чунки...***

— Биласизми, одамлар бизнинг остонамизга қадам қўйгунларига қадар кўнгилларида ҳар хил иккиланиш ва хавотирлар бўлади,-дейди мазкур **фирма раҳбари Маърифат МУҲАММАДИЕВА.** — Бу табиий. Нега десангиз, нафақат ҳуқуқий жиҳатдан кўмак, ёрдамга муҳтож бўлганлар, балки бугунги кунда ниҳоятда долзарб бўлган ижтимоий ҳимоя ва бошқа масалаларда ҳам айрим тушунмовчиликларга дуч келганлар бизга мурожаат қилишяпти. Энди бевосита ўз фаолиятимиз хусусида гапирадиган бўлсам, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг асосий пойдеворини ташкил этувчи энг асосий омил бу - одамлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаб етишлари ҳамда қонун устиворлигини таъминлаш учун аҳоли орасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш йўлида тинмай иш олиб бориш бугунги давр талабидир.

Қолаверса, 2001 йилнинг 1 январида “Адвокатура институтини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кучга кириши адвокатлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш йўлида ташланган энг муҳим қадамлардан биридир. Жиноят Процессуал Кодексининг 46-,48-,53-моддалари билан ҳимоячиларнинг(адвокатларнинг)ҳуқуқлари кенгайтирилди. Олайлик, ЖПКнинг 53-моддаси талаби бўйича энди адвокат ўз гувоҳномаси ва ордерини тақдим этгачгина бирор ишда қатнашиш ҳамда мустақил равишда ҳужжат ва далиллар тўплаш ҳуқуқига эга бўлди. $197^{1}$-моддада эса адвокатларнинг профессионал фаолиятига қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, тўсқинлик қилиш таъқиқланиши алоҳида кўрсатиб ўтилди.

**— Энди фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси қай аҳволда эканлиги хусусида ҳам ўз кузатувларингизни айтсангиз.**

— Шу пайтгача айримлар чақирув қоғози ёки телефон орқали тергов, суриштирув ёки суд органларига таклиф этилса, адвокатга учрашиб “нега чақиришган экан, мен билан бориб билиб берасизми?”, дея мурожаат қилишарди. Эндиликда эса жиноят ишининг исталган босқичида гувоҳнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда биринчи юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат хизматидан($66^{1}$-модда бўйича) фойдаланиш учун имконият яратилди. Муболағасиз айтишим керакки, қабул қилинган ушбу қонун жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устиворлигини таъминлашда адвокатларнинг ўрни ва нуфузини оширишга хизмат қилади.

**— Айтайлик, сизлар одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъулсизлар. Хўш, сизларнинг манфаатларингиз бузилса ёки ҳуқуқий кўмакка эҳтиёж пайдо бўлса кимга, қаерга мурожаат этасизлар?**

— Яна бир бор таъкидлайман, юртимизда қонун устиворлигини таъминлаш барча соҳаларга, шу жумладан, ҳуқуқий тизимларда фаолият юритувчилар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклаётир. Шу маънода, сизни ҳам, бизни ҳам, хуллас, мустақил республикамизнинг барча фуқаролари манфаатини, у қандай шаклда бўлмасин, энг аввало, Ватанимизнинг Бош Қомуси — Конституцияси ва қолаверса, дунёвий талабларга тўла жавоб берадиган қонунларимиз ҳимоя қилади!



**— “Маърифат барака” фақат пойтахтда яшайдиганларга ҳуқуқий хизмат кўрсатадими ёки бошқа ҳудудларда яшаётган юртдошларимиз ҳам бу фирмага мурожаат этишяптими?**

— Тўғри, эндигина иш бошлаган пайтимизда фақат Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчилар бир-бирларидан эшитиб, билиб олгач, ёрдам сўраб келишарди. Бугунги кунда эса нафақат пойтахт вилояти, балки мамлакатимизнинг бошқа турли бурчакларидан ҳам юртдошларимиз қадам ранжида қилишмоқда. Бу нимани кўрсатади? Энг аввало, бир киши сизнинг ҳузурингизга минг хил хаёл билан киради ва дилида “шунча йўлни босиб келганимга яраша менга бирон ёрдами тегармикан?” — деган жумбоқли ўй туради. Ўзи айтмаса ҳам кўзларидан сезилади. Шундай бўлгач, бизнинг вазифамиз ва бурчимиз ҳар қандай фуқарога қонуний йўллар орқали яқиндан кўмак бериш, Ўйлайманки, ўнлаб фидойи ва ўз соҳасини мукаммал биладиган ходимларимиз фирмамизнинг номига муносиб равишда юртдошларимиз ишончини оқлаётгани боис биз деярли ҳар куни юзма-юз, гоҳи хат-хабар ва телефонлар орқали раҳматлар, миннатдорчилик сўзларини эшитяпмиз.

**Ўктам АБДУЛЛАЕВ**
**суҳбатлашди.**

ГУРУНГ

# МУНОЖОТНИНГ МАКТАБИ

***…Майда ўрилган сочлар устига қўндирилган ироқи дўппи, эгнида атласу беқасамлар билан ҳақиқий ўзбек аёли сумбатини намойиш этадиган Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева нафақат қўшиқлари, балки сурати, сийрати билан дунёга буюк тарихи, маданияти билан танилган халқ, миллат ҳақида теран тасаввур беради, десак, янглишмаймиз. Шу маънода уни ўзбек мумтоз қўшиқчилигининг, қолаверса, миллий маданиятининг фидоий тарғиботчиларидан бири деб айтиш мумкин.***

**— Муножот опа, психологлар “Одамнинг исми унинг табиатига, ҳатто ҳаётига ҳам таъсир ўтказади” дейишади. Айтинг-чи, мумтоз санъатга қизиқишингизда исмингизнинг таъсири бўлганми? Умуман, сизга ким исм қўйган?**

— Ота-онам мен туғилган пайтимда бир уламони чақиртириб, китобдан топиб қўйишган экан исмимни. Ўша пайтлар шундай қилиш урф бўлган экан-да. Менимча, бу оиламиздаги муҳитнинг таъсири бўлса керак. Бувамиз — онамнинг оталари мусиқага, санъатга шинаванда одам бўлганлар. Онам раҳматликнинг ҳам қўнғироқдек, ширали овози бор эди. Лекин санъат йўлидан кетмаганлар. Ёшлик пайтларида дугоналари, яқинлари даврасида қўшиқ айтиб юрарканлар. Далада “сен қўшиқ айтгин, биз сенинг ўрнингдан ҳам пахта терамиз” дейишаркан. Бувам онамни эркалаб, "Ўғлим, қани бир қўшиқ айтиб беринг-чи" дер эканлар.

**— Демак, санъат йўлини танлашингизда туғилиб ўсган оилангиздаги муҳитнинг ўрни катта бўлган экан-да?**

— Мактабда бўлиб ўтадиган байрам тадбирларида, оилавий йиғинларда қўшиқ айтиб турардим. Туман маданият уйи қошидаги мусиқа тўгарагига қатнаб юрардим. Ота-онам бунга қаршилик қилишмаган, аксинча шароит яратиб берганлар. Кейинчалик, мактабни битириб, санъат йўлини танлайман, ўқишга кириб, ўрганаман, деб олдимга қатъий мақсад қўйганимда, отам қаршилик қилди. "Бизнинг авлодимиздан санъаткор чиқмаган, айниқса, бу қиз болага тўғри келмайди", деди. Абдуллажон Мавлонов деган тоғам бор. У киши Андижон театрида актёр бўлиб ишлаган, созандалар ансамблида соз чалган, яхшигина овози бор, қўшиқ ҳам айтиб турарди. Асосан ўша тоғам сабабчи бўлган санъаткор бўлишимга. Қўшиқларимни эшитиб кўриб, "Бундай овоз юз йилда бир келади, Муножот санъаткор бўлиши керак" деб йўлланма берган. “Мен кафилман, қизингиз, худо хоҳласа, юзингизни ерга қаратмайди, хавотир олманг, ёмон йўлга кетмайди, яхши санъаткор бўлади" деб отамни зўрға кўндирган.

**— Сизнинг овозингиз диапазонини мутахассислар жуда баланд дейишади, опера ижрочилигини танлашни ҳеч ўйламаганмисиз?**

— Консерваториянинг иккинчи курсида ўқирдим. Бир куни масъул раҳбарлардан бири ва ректоримиз мени чақириб эшитиб кўришди ва опера қўшиқларини куйлаш учун Москвага консерваторияга ўқишга, амалиёт ўташга эса Италияга юборишмоқчи эканликларини айтишди. “Мақом билан Ўзбекистон ҳудудидан четга чиқа олмайсан, операчи бўлсанг дунё кезасан", дейишди. Лекин мен рози бўлмадим. Биринчидан, мени овози тўғри келмайди деб, “вокал”га қабул қилишмаганди. Иккинчидан, мен мақом қўшиқларини куйлаб, элга танила бошлагандим. Шунинг учун мухлисларим, тингловчилар мендан рози бўлмайди, деб ўйладим. Учинчидан, мен шу йўлни давом эттириб, худо хоҳласа, ўзбек мақомчилик санъатини дунёга олиб чиқмоқчиман, дедим. Шу ўжарлигим учун мени беш йил саҳнага чиқишдан маҳрум қилишди.

**— Биласиз, бир замонлар мумтоз санъатимизга эътибор ниҳоятда ғалати эди. Демак, сиз ҳам ўша пайтдаги чеклашлардан сиқилган, тазйиққа учраган дамларингиз бўлган экан-да?**

— Тазйиққа учраганман, десам муболаға бўлару, лекин тушунмовчиликлар бўлиб турарди. Бу фақат мен билан эмас, барча мақом қўшиқчилари билан бўлган. Биласиз, мумтоз адабиётимизга хос ғазалларда Ҳудо, май ёки майхона деган сўзлар кўп учрайди. Айтаётган қўшиғимизда шундай сўзлар учраса, ашулалардаги шу мисра айтилмай, ўтиб кетиларди...

**— Ашулаларингиз улуғ шоирларимизнинг ғазалларига асосланган. Уларда унча-мунча одам англаб етолмайдиган теран маънолар яширинган. Айтинг-чи, барча ашулаларингизни ижро этишдан олдин матнни чуқур ўрганасизми ёки сиз учун биринчи галда оҳанг, ижро муҳимми?**

— Ижро этаётган қўшиқларимнинг шеърларини устозим Шавкат Мирзаев топиб, куй басталаб, кейин менга кўрсатади. Ҳаттоки, ғазалларни ижро этилмаган чолғу йўлларига ҳам туширади. Масалан, “Дашти наво" деган куйга Гадоийнинг бир ғазалини, ёки “Эшвой” деган куй бор, унга Лутфийнинг ғазалини туширганлар. Бу ғазалларни тушуниш, энг нозик жиҳатларигача англаш осонмас, ҳар бир мисрасида сермаъно ташбеҳлар, муболағалар, бошқа санъат турлари учрайдики, буни мутахассис бўлмасанг, тушуна олмайсан. Шунинг учун, айтаётган ашулаларимнинг маъносини тўлиқ биламан, десам нотўғри бўлади. Асосан устозимнинг кўрсатмалари асосида, у киши билан маслаҳатлашиб қўшиқ айтаман. Мисол учун Алишер Навоийнинг "Қаро кўзум"ини олайлик:

***Қаро кўзум, келу мардумлиғ***
***эмди фан қилғил,***
***Кўзум қаросида мардум киби***
***ватан қилғил,***

– деган байт билан бошланади. Ўхшатишни қаранг, мардум сўзи икки марта ишлатилган. Биринчисида, мардумлиғ – “мардлик” маъносида келаяпти. Иккинчисида мардум – кўзнинг қорачиғини ифодалаяпти. Кўзимнинг қорачиғини ватан қилиб яшагин, деяпти. Даҳшат-ку бу. Алишер Навоий бобомиз ғазалларида бундай мисолларни истаганча топиш мумкин.

**— Экранга чиқсангиз, айниқса, отахону-онахонларимиз, “Муножот қизим чиқди, телевизорнинг овозини баланд қилинглар” дея сизни жон қулоғи билан тинглашади, кейин, албатта, дуо қилишади. Бундай муҳаббатга сазовор бўлиш учун фақат истеъдоднинг ўзи кифоя қиладими?**

— Йўқ, қуруқ истеъдод билан кўп нарсага эришиб бўлмайди. Истеъдодни ҳам сақлай билиш, ривожлантириш ва халққа етказа олиш лозим. Овоз ҳаммада ҳам бўлиши мумкин. Кимнинг чиройли ташқи овози бор, кимнингдир эса ички овози бўлади. У ичидагини етказиб бера олмайди. Бу ҳам саноқли инсонларга хос. Масалан, устозим Шавқат Мирзаевда бор, Муҳаммаджон Мирзаевда бўлган. Яна баъзи бир созандаларда, бастакорларда учрайди, бундай овоз. Улар ўзлари чиқара олмайди-ю, шогирдлари орқали етказиб беради. Устозим менга, қўшиқни оддий, ортиқча қочиримларсиз ижро этинг, дейди. Мақомда “зангула”, “зам-зама” деган хонишлар, қочиримлар бор-да. Шуни жойида ишлатиш кераклигини устозингиз ўргатмаса, шунга туша олмасангиз, ижро пайтида ўз-ўзидан йўлдан чиқиб кетасиз.

**— Европаликлар сизга “Шарқона гўзаллик тимсоли” деб таъриф беришган экан. Муножот деганда, ҳамманинг кўз ўнгига дарров бошида ироқи дўппи, эгнида атлас, беқасамдан либос кийган ўзбек аёли гавдаланади. Сизнинг доимо бир хил кўринишингиз ички дунёингиз, характерингиз маҳсулими ё касбингиз шуни тақозо этадими?**

— Аввало, ички дунём билан боғлиқ бўлса керак. Ҳар бир қилаётган ишимиз учун бугун ҳам, эртага ҳам жавоб беришга тайёр бўлишимиз зарур. Мен болалигимдан романтикроқ бўлганман. Телевизорда бирор киноми, кўрсатувними томоша қилсам, шуни ўзимда синаб кўрмоқчи бўлар эдим. Болалар фильмларини кўрсам, худди шу фильм қаҳрамонларидек кийинишга ҳаракат қилардим. Устоз санъаткорларнинг қўшиғи берилиб қолса, жоним билан эшитардим, чала-чулпа қоғозга кўчирардим-да, ёдлаб айтиб юрардим. Ҳабиба Охуновани ўз “кумирим” деб билардим ва ўзини тутиши, кийимларига ҳавас қилардим. Кийиниш масаласига келсак, ёшлигимдан ота-онамга оғирлигим тушишини хоҳламасдим. Фалон нарса олиб беринг, деб айтмасдим. Акам Тошкентда ўқирди, уйга келган пайтлари “мана бунақа кийим киймайсанми, мана бунақасидан ол " деб ўргатарди. Мен жуда оддий, содда кийинардим. Мендан кейин яна сингилларим бўлган, мен опамникини, улар меникини, хуллас, бир-биримизнинг кийимимизни кийиб катта бўлганмиз. Мумтоз санъат йўлини танлаб саҳнага чиқа бошлаганимдан сўнг, шунга мос миллий бир имидж яратишга уринганман.



Илк марта талабалар ҳисобот концертида саҳнага чиққанман. Шу десангиз, саҳнага кийиб чиқишга кийимим йўқ эди. Андижонга бориб, онамнинг сандиғидан хонатлас олиб, бир кечада тиктириб келганман. Концертга кийиб чиқишга кўйлагим бор-у, энди оёғимга туфли йўқ. Уйдагилардан пул сўрамайман, стипендиям бу ойдан у ойгача етиши керак. Нима қилсам экан, деб турсам, катта курслардан Маргарита деган қизнинг туфлиси менга тўғри келар экан. У чиқмаган пайтида мен кийиб турадиган бўлдим. Олдин мен чиқиб қўшиқ айтдим, кейин у чиқиши керак эди. Мен айтиб бўлиб саҳна ортига ўтдим, кейин Маргаританинг ўзи кийди. Мени қарсаклар билан яна даврага чақиришаяпти, саҳнага чиқиб таъзим қилишим керак - оёғимда туфли йўқ, нима қиламан энди деб, охири шиппакда чиқиб, таъзим қилишга мажбур бўлганман.

**— Сиз дунёнинг ўнлаб мамлакатларида ижодий сафарда бўлгансиз. Табиийки, сизни ҳамма жойда олқиш билан кутиб олишган. Бироқ, айтинг-чи, сизда алоҳида таассурот қолдирган сафар, мамлакат борми?**

— Сафарларнинг ҳаммаси ҳам мен учун қадрли, эсда қоларли бўлган ва мен барча сафарларимдан олам-олам таъсурот билан қайтганман. Лекин 1995 йилда Францияда берган катта концертимда хорижликларга санъаткор сифатида ўзимни тўлиқ намоён эта олганман. Ҳозирда мени бутун дунёга олиб чиқаётган "Театр Дельаиль"-даги мутахассис овозимни эшитиб, Францияга таклиф қилди, концертимни ташкил қилди, кейин дискимни чиқартирди. У ёққа мухлислар ҳам мени ўз санъаткорлари деб билишади. Ҳозир Францияга борсам, бемалол юраман. Мени ҳатто кўчада турган посбон — полициячилар ҳам танийди. Бир гал аэропортда навбатимизни кутиб турганимизда, бир полициячи келиб, фрацузчалаб, "Сиз қўшиқчисиз-а, концертингизга борганман", деди. Швейцарияда кўчанинг нариги томонига ўтаётсак, машина келиб тўхтади ва бир ажнабий ойнадан "Сиз Муножотмисиз?" деб инглизчалаб сўради. «Концертингизга боргандим, яхши бўлди, раҳмат», деб ўз йўлида давом этди. Бундай мисоллар кўп...

**— Чет элликлар ўзбек тилини тушунмайди, ғазаллар қатидаги сержило маънони-ку умуман гапирмасак ҳам бўлади. Лекин улар сизни берилиб тинглашади. Уларни сеҳрлаган, ўзига тортувчи куч, сизнингча, нима?**

— Тушунмаса ҳам, овоз, ижро ва куйининг бир-бирига мутаносиблиги қўшиқларимизни мазза қилиб эшитишларига сабаб бўлса керак. Бизнинг миллий чолғу асбобларимиз: рубоб, дутор, чанг, найнинг сеҳрлиноласи уларни ўзига тортса керак. Ахир, «Шашмақом»ларимизда, мумтоз қўшиқларимизда ҳеч қайси халқникида бўлмаган жўшқинлик, жозибадорлик бор. Ва, нокамтарлик бўлса ҳам айтай, овозимдаги Оллоҳ берган бир сеҳр, куч ҳам уларни тинглашга ундаса керак.

Ўтган йили Францияга концерт бергани борганимда, бир француз келиб, мана шу қўшиқни куйлаб беринг деб, дуторни шунақанги чиройли чалдики, ҳайратда қолдим. Қаердан ўргандинг десам, диск-қўлланма сотиб олиб ўргандим, дейди. Мана, бизнинг санъатимизга бўлган ҳақиқий муҳаббат!

**— Ўз даврида Ҳалима Носирова, Тамарахоним каби устоз санъаткорларимизнинг ўзига хос ижодий мактаблари бўлган. Нега энди бугунги кунда Муножот Йўлчиеванинг ижодий мактаби йўқ?! Балки сиздан таълим олаётган, санъат сирларини ўрганаётган ёшлар бордир...**

— Мана, мен консерваторияда дарс бераман, овози яхши қизларимиз бор, лекин айримлари овоз диапазони имкониятларини бузиб қўйган. Уларни тарбиялашимиз керак. Умид қиламанки, ёшларимиз орасида бизнинг йўлимизни давом эттирадиган, биздан-да кўпроқ муваффақиятларга эришадиган истеъдодлар ҳали кўплаб чиқади.

**— Мумтоз санъат йўлини танлагангиздан пушаймон бўлган, “эҳ, эстрада йўлини танласам бўларкан” дея афсусланган пайтларингиз ҳам бўлганми?**

— Шундай пайтлар, тўғрисини айтсам, бўлган. Ҳатто саҳнадан бутунлай кетаман, деганман. Ўшанда бир раҳбар одам бунга йўл қўймаган. Санъатни тарк этишга сенинг ҳаққинг йўқ, истеъдодинг халқники - сеникимас, ҳали халққа кераксан, деган...

**— Аёл киши учун ҳар қандай обрў-эътибор, мансаб-амал ўткинчи, фақат оиласигина унга бир умр суянчиқ, ҳамроҳ бўлади, дейишади. Сиз бу ҳақда нима дейсиз?**

— Санъатга қадам қўяётган илк кезлардаёқ, мен ҳар қандай вазиятда ҳам аёл учун энг муҳим бўлган оилани биринчи ўринга қўяман, деб ўз-ўзимга сўз берганман. Агар оила ё санъатдан бирини танлаш шарт бўлганида, мен шубҳасиз оилам, жигарларимни танлаган бўлардим. Мен доимо топганимни оилам билан баҳам кўриб, оилам учун ишлашга ҳаракат қилганман... Оилани мен ватаннинг бир бўлаги деб тушунаман. Бу улуғ остонани босиб чиқиб кетаётганингда, ёмон ният билан кўчага чиқсанг, оилангга, ватанингга хиёнат қилган ҳисобланасан.

**— Эришган ютуқларингизда оилангизнинг, турмуш ўртоғингизнинг нечоғлик ўрни бор деб ўйлайсиз?**

— Ўрни жуда ҳам беқиёс. Турмуш қурмасимиздан олдин, у киши билан учрашиб, “санъаткорман, мен билан яшайдиган одам аввало мени тушуниши, санъатга бўлган муносабатимни қадрлаши керак", деганман. Ўшанда: мен аллақачон Муножот Йўлчиева бўлиб танилган эдим, турмуш ўртоғим “мен сизни санъатдан кетинг дея олмайман, чунки сиз халқнинг санъаткорисиз, мен сизни халқдан ажратишга ҳаққим йўқ", деган. Худога шукр, мана турмуш қурганимизга йигирма йилдан ошди. Бир-биримизни тушуниб, рўзғор ишларида, бола тарбиясида ҳам бир-биримизга кўмаклашиб яшаб келаяпмиз.

**— Ҳаётий фалсафангиз?**

— Мен бировдан бир яхшилик кўрсам, икки карра қайтаришга ҳаракат қиламан. Кимлигидан қатъий назар, қўлимдан келгунича ёрдам берсам дейман. Ўзимни жуда бахтли, омадли инсон деб ҳисоблайман. Доимо ҳавас билан яшайман ва атрофимдагиларни ҳам шунга ундайман.

**Шаҳноза РОФИЕВА**
**суҳбатлашди.**

# ИККИ ДУНЁ ОРАЛИҒИДА



**Шодмон ОТАБЕК**

**(Боши ўтган сонларда)**

— Мен... боролмасам керак, - Салима ўзи учун мутлақо кутилмаган ва андак мавҳум-шубҳали туюлган бу илтифотни ҳазм қилолмади. - Сизлар бемалол...

— Вой, қизиқ экансиз-ку, сиз бормасангиз мен бир ўзим нима қиламан у ерда? — Руқия норози бўлиб, қошларини чимирди.

— Келинглар энди, шу беш кунлик ўткинчи дунёда сал одамга ўхшаб яшашниям ўрганайлик. - Янгибой оҳиста муросага ундади. - Фалакнинг гардиши билан шундай жойда кўришиб қолибмиз. Биз ҳам дуч келган одам билан... гаплашавермаймиз. Тўғрими, Ҳалимжон?

— Тўғри, - созанда уни қувватлади. - Жа-а диққинафас бўлиб кетдик. Ўзинглар ҳам зериккандирсизлар?

— Майли, ҳаракат қиламиз боришга, - Руқия Янгибойга «ўзим кўндираман» дегандек секин кўз қисиб, жилмайди.

— Мана бу бошқа гап! — Янгибой хурсанд бўлиб, хитоб қилди. — Аммо-лекин астойдил ҳаракат қилинглар.

Улар олдинма-кетин жўнашди.

Йигитлар қоровулхона ёнига келиб, усти ёпиғлиқ оппоқ «Волга» олдида тўхташди. Янгибой тулпорини еру кўкка ишонмайдиган чавандоздек машинасини қантариб қўйганди. Ҳалимжон устозининг ишораси билан машина юкхонасини очиб, керакли нарсаларни ола бошлади.

Боягина қиёмат ўйин-томоша бўлган майдонда сочларига оппоқ лента тақилган етти-саккиз ёшлардаги қизалоқ дадасининг қўлидан ушлаб айланиб юрар, кимнидир қидириб, атрофга жовдирар эди. Ногоҳ хиёбонда Салима билан келаётган Руқияга кўзи тушди-ю: «Ойи! Ойи» дея кучининг борича пилдираб чопди. Етиб келиб, ойисининг қучоғига ўзини ташлади. Боёқиш жуда соғинган чоғи, ойисининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

Салиманинг юраги ҳаприқиб кетди. Беихтиёр кўзларига ёш қалқди: Наҳотки бир умр шундай бахтдан бебаҳра ўтса?! Ўз боласини мана шундай бағрига босиш қачондир унга ҳам насиб этармикин? Ҳали умиди бор. Ахир иссиқ ўрнини совутиб, гадой топмас жойларда бекорга юргани йўқ-ку.

Руқия Салимани эри билан таништирди. Қорачадан келган, хушрўйгина йигит енгил бош ирғаб, саломлашган бўлди. Салима уларни ҳоли қолдириб, хонага йўл олди. Зинапоядан кўтарилаётганда пастга тушиб келаётган Маъмура опа билан Малоҳатга дуч келди. Қиз ойисининг қўлтиғидан авайлаб ушлаб олганди.

— Қани, юрмайсизми овқатга? — деди Маъмура опа. - Руқия қани?

— Уйидан келишибди. Сизлар бораверинглар-чи... - Салима ланжроқ гапирди: энди бояги маслаҳат нима бўлади? Руқия уни қора тортиб ваъда берворди. Ҳар қалай, ёлғиз қолдириб кетса хафа бўлмасмикан? Дарвоқе, уйидан келишди-ку! Шу тобда кўнглига бошқа нарса сиғмас-ов!

— Биз пастда кутиб турамиз, тезроқ тушинг, - деди Малоҳат.

Салима хонасига кириб, кийимларни алмаштириб чиқди. Ортиқча пардоз-андозга ҳуши йўқ: фақат бу ердаги қиз-жувонларнинг одам тўпланадиган жойларга, ҳатто ошхонага ҳам ясан-тусан қилиб боришини сезгандан кейингина сал-пал ўзига қарайдиган бўлди.

Ошхонада уларнинг столи овқат тарқатиладиган туйнук-токчага рўбарў эди. Салима беихтиёр ўша томондан кимдир бу ёққа ўқтин-ўқтин, асабий қараб қўяётганини илғаб қолди. Чамаси, Собирни Руқиянинг бўш жойи безовта қилар, ҳар куни ўша ердан туриб, кўз урштиришга ўрганиб қолган эди. Малоҳат бу сирни мен ҳам биламан, дегандек Салимага ним табассум қилиб, енгил бош ирғади. Аммо шу заҳоти ойисининг важоҳати ўзгарганлигини сезиб, ноилож овқатга энгашди, егани татимади: қачон ойиси ўз ҳолига қўяркан? Ахир энди ёш бола эмас-ку!

Тамаддидан сўнг боққа чиқишди. Кўча томондан эри билан қизини кузатиб келаётган Руқия уларга қўшилди. Салима ҳайрон бўлди: наҳотки шу қадар тез хайрлашса?! Орадан ҳали ярим соат ҳам ўтмади-ку! Демак, ўртада... йўқ-йўқ, санамай саккиз дейиш яхши эмас.

Салима ойисининг қучоғига интиқ-интизор талпинган болакайни кўз олдига келтирди-ю, шубҳали хаёлларига изн берганидан ўзича хижолат бўлди. Хиёбондан иккинчи марта қайтишаётганда (Маъмура опа бунақа сайрни «ҳазми таом» дейди) Руқия секин Салиманинг тирсагидан ушлаб, секинлатди. Кўп ўтмай олдинда кетаётган она-боладан орқада қолишди.

— Шу хотинни негадир жиним суймайди. Раҳматлик қайнонам ҳам бунчалик ғашимни келтирмасди. Кўзи рентгенга ўхшайди, худди ичингдаги сирни билиб тургандай бақрайиб қарайди.

— Қўйинг, Руқияхон, ундай деманг. Бировга ёмонлик раво кўрадиган аёлга ўхшамайди, - деди Салима эътироз билдириб.

— Э, сиз билмайсиз-да буларни. Улар икки гапининг бирида ўтмишдаги хизматларини пеш қилиб, кўкрагига уради. «Биз сизларнинг ёшингизда...» дея эски дийдиёсини бошлайди. Нима, ўша даврда туғилмаганимиз учун биз айбдормизми? Аслида улар бизчалик ўйнаб-кулиб, давру даврон суролмагани учун аламзада, шунинг учун бизни ёмон кўришади.

«Қандай ўйин-кулгу? Қанақа давру даврон?». — Салима ҳайрон бўлди. Бир хонада бирга яшаб турган кекса аёл ҳар гал шу тарзда ғийбат қилинганда ўзини бу гуноҳга шерикдай сезиб, ичидан зил кетади. Тортишиш бефойдалигини билгани учун Руқиянинг жағи тинишини кутиб, индамай қўя қолди.

Ҳовуз бўйига боришганда рўпарада худди осмондан тушгандек Собир пайдо бўлди. У ошхонада ишини тугатиб, деразадан буларни кузатиб турган эди. У бош ирғаб саломлашди-ю, ўзини четга олди: Руқиянинг ажралиб, ёнига келишини кута бошлади.

— Собир! — Руқия хаста товушда, жойидан жилмай гапирди. Ногоҳ уф тортиб, пешонасига кафтини босди, кўзлари сузилди. — Тобим қочиброқ турибди, боя сувга тушганда шамоллабман шекилли, бориб ётмасам бўлмайди. Бугун чиқолмайман. Эртага!.. Майлими?

— Майли, - деди Собир ҳам бўшашибгина ва беихтиёр хўрсиниб қўйди. - Бирон нарса...

— Раҳмат, ҳеч нарса керак эмас. Мен борай энди, хайр.

— Хайр...

Собир аёлларнинг орқасидан мунғайиб қараб қолди. Боёқиш Руқиянинг бировгина орқасига қайрилиб, далда беришини кутиб турди. Аммо у парво ҳам қилмади, чамаси, «касали» жиддий эди.

— Баъзан шунақа қадрингни ошириб қўйсанг ёмон бўлмайди, - деди Руқия яна бир карра Салимани лол-ҳайрон қолдириб. - Ҳадеб кўришаверсанг, жонига тегишинг мумкин. Эркак зоти қанчалик сенга ташна-зор бўлиб юрса – шунча яхши. Тўғри, Собир бусиз ҳам менга итдек содиқ, гаҳ десам қўлимга қўнади. Шундаям ортиқча эркалатмайман. — Руқия бирдан ўзгариб, жиддий тортди. — Дарвоқе, улар бизни кутишяпти. Чиқамизми?

— Негадир оёғим тортмаяпти, — деди Салима. – Мен... ўрганмаганман бунақа...

— Оббо, роса олдингиз-ку! — Руқия бурнини жийириб, кесатди. – Демак, мен ўрганган эканманда?! Мениям ўзимга яраша ғурурим бор. Қаланғи-қасанғилар билан эмас, камида Янгибойга ўхшаган асл йигитлар билан гаплашиш керак. Улар ҳам бизни ўзига тенг билиб, ҳадди сиғиб. таклиф қилишяпти. Маишат қиламан деса, хотин зоти қуриб кетибдими?

Руқия ахийри қўймади, алмисоқдан қолган сафсата-ақидалари билан авраб, бошини айлантириб ташлади. Салима иккиланиб қолди. Ҳарқалай, ҳамхона-қўшнисини эркаклар ҳузурига ёлғиз юбориш одобдан бўлмас деб ўйлади. Айни чоғда ўзида ҳам мубҳам бир истак-қизиқсиниш йўқ эмасди. Фақат узоқ ўтирмаймиз деб шарт қўйди.

Янгибойнинг хонаси учинчи қаватда, Салималарнинг айвонидан қараганда шундоқ қўл чўзса етгудек жойда эди. Оралиқ яқин бўлгани учун тепадаги қаҳқаҳа-гурунглар, турфа хил нағмалар қўшниларга ҳам бемалол эшитилиб туради. Гоҳо қўшиқни Янгибой ўзи айтяптими ёки кассетаси айланяптими – фарқлаш қийин.

Юқорига кўтарилишаётганда йўлакай Салиманинг хавотири кучайди: Янгибойнинг ҳамхоналари нима деб ўйлаши мумкин? Қолаверса, у ёққа чиқишганини Маъмура опадан яшириб бўлмайди-ку! Ҳай, ишқилиб охири бахайр бўлсин.

Учинчи қаватга чиқишгани ҳамон йўлак даҳлизидан ғала-ғовур шовқин эшитилди.

Аёллар ишқибозларнинг диққатини жалб қилмаслик учун секин, оёқ учида юриб ўтдилар. Қизиқувчан нигоҳлар орқаларидан кўз узмай қараб қолишди.

Руқия эшикни оҳиста тақиллатди. Ичкаридан дарҳол ўша таниш овоз келди:

— Келинг, кираверинг! — Янгибой эшикни очиб, хурсанд хитоб қилди. — О! Мана бу бошқа гап! Қани, қани, марҳамат, ўтинглар.

Икки кишилик чоғроқ хонага ягона диван-каравот ва ихчам стол, иккита стул, бурчакка музхона қўйилган. Дераза ёнида, жавонча устидаги жажжи рангли телевизорда футбол кўрсатилаётган эди. Меҳмонлар стулга, мезбон каравотга ўтирди. Янгибой секин туриб, телевизорни ўчириб қўйди.

— Сизлар... кўраверинглар қизиқсанглар, — деди Руқия ўзича мурувват кўрсатиб.

**(Давоми бор)**




## АНТИҚА КИТОБ

Швейцария нашриётлари жаҳонда биринчилардан бўлиб гапирувчи ва кўрсатувчи китобларни чоп эта бошлади. Жуда қиммат баҳодаги бу китобларни оддий усулда ўқиш мумкин, агар ўқишни истамасангиз маълум мурватини бурасангиз, китоб варақларидаги воқеалар тушунарли тарзда гапириб берилади. Воқеаларга қизиқиб кетиб, уларни кўриш иштиёқи туғилса, керакли нуқтани бурасангиз кифоя, китобда тасвирланган воқеалар саҳифалардаги кичкинагина экранда намоён бўла бошлайди.

Китоб саҳифалари бир оз қалинроқ, сабаби, ҳар бир бетга маълум қўшимчалар билан чоп этилган, уларни ўқиш, кўриш, тинглаш мумкин. Адади ҳам чекланган миқдорда.

## АЧЧИҚСЕВАР ОДАМ

Англиялик Брюл Питер овқатларга озгинадан қўшиладиган аччиқ соусни шишаси билан бемалол ича олади. Яқинда у одамлар олдида бир шиша, яъни ярим литр соусни бир дақиқа-ю, тўққиз сонияда симириб, барчани ҳайратга солди. У бу ҳаракати билан Гиннеснинг «Рекордлар» китобидан жой олишга муваффақ бўлди.

## ДАРАХТ КЕСИШ БЕЛЛАШУВИ

Дунёда жуда кўп танловлар, фестиваллар, мусобақалар ўтказилади. Ана шундай антиқа беллашувлардан бири — дарахт кесувчилар мусобақаси бўлиб, ҳар йили Америкада ўтказилади. Унда бир неча йиллардан буён биринчиликни қўлдан бой бермай келаётган австралиялик Бред Хеландиаде кўпчиликнинг гувоҳлигида 3,5 метрли дарахтни оддий болта ёрдамида 15 сонияда кесиб, барчанинг олқишига сазовор бўлди.

## ТЕЗ ЎСАЁТГАН ҚИЗАЛОҚ

Эрондаги оддий хонадонларнинг бирида дунёга келган қизалоқ кутилмаганда ўзининг тез ўсиши билан кўпчиликнинг эътиборини тортди. У уч кунлигида отаси ва онасини таниган. Бир ойлигида бемалол ўтириб олиб, турли ўйинчоқларни ўйнай бошлаган. Икки ойлигида овқат еб, уч ойлигида эмаклаб юрган ва ҳатто ўрнидан туришга уринган. Олти ойлигида эса тўрт ёшли болалардай эди, унинг бўйи-басти, ақл доираси, гапириши, атрофдагиларга муносабати ҳам тўрт ёшли болакайникига ўхшарди.

## АТИРНИНГ БАҲОСИ НЕГА ҚИММАТ?

Атирларнинг қиммат туришининг сабаби, табиий атиргул мойининг 1 литри тахминан 5000 евро туради. Атиргул мойининг бу даражада танқислиги мой олишнинг ўзига хос қийин усули билан боғлиқ. У қуйидаги усулда олинаркан. Панжарага атиргул гулбарглари терилиб, пастки томондан буғ юборилади. Буғ гулбарглардан ўтар экан, юқоридан ўрнатилган эгик ҳолдаги юзага йиғилади ва махсус идишга томади. Ҳосил бўлган хушбўй суюқликдан сув ажралиб чиқиб, атиргул эфир мойи қолади. Шунинг учун ҳам бу хушбўй суюқликнинг баҳоси дунё бозорида юқори туради.

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ тайёрлади.**

# ЁШИ ЎТГАН ЭРКАКЛАР

## жуфт танлашда қандай йўл тутишмоқда?

**БУНИСИГА НИМА ДЕЙСИЗ?**

***“Чимилдиқ” фильмини эслайсизми? У бор-йўғи битта муаммо — келин-куёвларнинг ёши ўртасидаги фарққа асосланган ва оддийгина қишлоқда кечган бу воқеанинг бутун бир фильмда “ўқ томир”га айланиши қизиғ-а! Келин ўн етти-ўн саккиз ёшлар атрофидаги думбулгина қиз, куёв эса ўттиздан ошган “қари бўйдоқ”! Ораларидаги фарқ биринчи кечадаёқ намоён бўлади.***



Ёш келин “қари одам”га хотин бўлгани учун норози, куёв эса кечикиб уйланаётганидан хижолат! Бу норозилик туйғуси жамоатчиликнинг фикрига асосланган: келин-куёвнинг ёши деярли баравар бўлиши керак, тенг-тенги билан деганларидек... Устига-устак куёвжўраларнинг “Ёр-ёри” ҳам оловга мой сепади:

***Беда солсанг отга сол,***
***ҳай-ёр, ёр-ей,***
***Касур-қусур чайнасин,***
***ёр-ёр-ей!***
***Қизни берсанг, ёшга бер,***
***ҳай-ёр, ёр-ей!***
***Қувалашиб ўйнасин,***
***ёр-ёр-ей!***

Халқ оғзаки ижоди хазинасидан жой олиб улгурган бу “ёр-ёр”нинг қиз ўстирган оналар, йигит-қизлар, ва ниҳоят, бўлғуси келинларнинг турмуш қуришдан кўзлаган муҳим ҳаётий шартларидан бирига айланганига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Тўғри, миллий мусиқа ва халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўрни, қадр-қиммати беқиёс ва улар бой маънавиятимизнинг шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга. Лекин ҳар қандай ижод намунаси, у халқ йўлида айтилганми ёки бирор ижодкор томонидан тўқилганми, ёзилганми, барибир ўша давр руҳини ўзида акс эттириши ҳамда инсон руҳиятига тескари таъсир кўрсатмаслиги керак. Оддий мисол: “Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда!” – деган халқ нақлини деҳқонлар яхши билганликлари учунгина бу чорловга амал қилишмайди. Улар шундоғам яъни мавсум талаби ва агротехник эҳтиёж туфайли шундай йўл тутишади. Ана энди ҳалиги “қизни берсанг-ёшга бер!” деган “ёр-ёр”нинг мағзини чақадиган бўлсак, тасаввур қилинг, у бундан юз йиллар аввалги даврда севган қизини қари одамга узатилишидан норози бўлган ошиқ йигитнинг ўша пайтдаги тузум тарафидан ҳақ-ҳуқуқлари топталишига қарши тўқилган бир юрак ноласи эмасмиди? Албатта, бу билан биз халқ оғзаки ижоди намуналарини ҳам энди бирма-бир таҳлил қилиб, эскирганларини чиқариб ташлаш керак, деган фикрни айтишдан мутлақо йироқмиз. Фақат эл-улус ҳукмига ҳавола этилаётган бадиий асарлар, у насрда бўладими ёки кинодами, мазмун-моҳиятини талқин этишда эҳтиёт бўлмоғимиз керак экан. Акс ҳолда, “Чимилдиқ” фильмидагидек кулгули ва беўхшов, нотабиий ҳолатлар юзага келади ва айрим содда мухлислар назарида турмуш қуриш борасида бир-бирига зид тушунчалар пайдо бўлади!

Хўш, бу масалада мутахассислар хулосаларига эътибор қаратайлик-чи. Ғарб олимларининг фикрича, энг мақбул никоҳ ёшининг формуласи қуйидагича эмиш: ЭРНИНГ ЁШИ: 2+7=ХОТИННИНГ ЁШИ! Ҳа, мана шунақа жуда оддий! Дейлик, куёв 30 ёшда, иккига бўлсак, ўн беш чиқади. Еттини қўшамиз, 22 ёш. Демак, бу оддий формулага кўра, 25 ёшлиларга 18, 40 ёшлиларга 27, 80 ёшлиларга эса 47–50 яшар қиз-жувонлар жуда мос тушар экан-да! 20 ёшли йигит уйланиш имкониятига эга-ю, лекин 19 ёшдан пастдагиларга мос қайлиқлар ҳали мактаб партасида ўтирган бўлса, қандай йўл тутиш мумкин! Тўғри, ҳозир 16–17 ёшли йигитларни уйлаб қўйишлар ҳам гоҳ-гоҳида учрайди. Бизнинг шарқона турмуш тарзимиз юқоридаги тахминий ҳисоб-китобларни аллақачон ўзгачароқ ҳал қилиб қўйган. Энг муҳими, азалий қадриятларга суянган оқил ота-оналар, энг аввало қуда-андачилик амалларига қатъий риоя этсалар, эртага оғизлари куйиб қолмасликларини биладилар. Лекин...ҳаёт бошқа, кино бошқа деганларидек, келин-куёв, эр-хотин бўлишнинг сир-синоатлари ниҳоятда кўп. Кимдир ана шу майдонда ўз жуфтини топади, кимдир...

Яхшиси, яна айрим кузатувларга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

### ҚАНДАЙ ЭРКАКЛАР ЎЗЛАРИГА БОШҚА ЖУФТ ИЗЛАЙДИ?!

➔ Ўрта ёшида кутилмаган ташвишларни бошидан кечираётганлар. Айримларининг хотини қазо қилиб, бева қолишган ёки ёши ўтиб, кўнгли нозиклашгач, тийинни-тийинга уриб, пул топиш учун бетиним ишловчи ва эридан кўра бойликни афзал деб билиб яшаётган аёлидан кўнгли қолганлар.

➔ Ҳукмрон хотиндан безор бўлганлар: улар ўзларини тўлақонли эркакдек ҳис қилишлари учун мазлума ва мунис хотин излашади.

➔Бадавлат эркаклар: улар учун ёшгина хотин тилла соат ёки қимматбаҳо автомобилдек мавқеини кўз-кўз қиладиган нарсадай гап!

➔Шу билан бирга, камбағал, ўзидай сўққабош, аммо ёши ўтинқираган эркакларга ёш жувонларнинг турмушга чиқиши ҳам кейинги пайтларда кўп кузатиляпти ва уларни бир-бирига иқтисодий манфаатлардан ҳам кўра кўпроқ, ёлғизликдан қутилиш истаги яқинлаштиради.

**Шайтон йўлдан урдими ё тақдирига ёзилган эканми, ёши ўтган эркак навниҳол қиз-жувонга уйланиб олди! Қари эр ва ёш хотиннинг ёшлари тепарокда тилга олиб ўтган формуламиз (ЭРНИНГ ЁШИ: 2+7=ХОТИННИНГ ЁШИ)гаям тўғри келади. Аммо айнан ана шундай ”ибратли” оилаларда жиддийроқ муаммолар пайдо бўлади. Жанжалсиз уй бормикан, дейсизми? Худди шундай можароларни эринмай тадқиқ қилган олимларнинг маслаҳатларига бир қулоқ тутайлик-чи:**

### ЁШИ ЎТГАН ЭРКАКЛАРГА УЧ МАСЛАҲАТ

**1. Нолиманг.** Ёш хотинингиз (унинг сиздан ўн беш-йигирма ёш кичиклигини билиб уйлангансиз, ахир!)га” мен ҳадемай қариб қоламан, сен мени ташлаб кетасан!”-деган гапни ҳеч қачон айта кўрманг. Бундай дейиш билан аёлингиз юрагига ғулғула сола бошлайсиз ва муштипар хотинингизни” йўқ, нималар деяпсиз, ҳеч қачон бундай қилмайман!” деб тавба қилишга мажбурлайсиз! Унутманг, ажралиш ва алданиб қолишдан ҳеч ким кафолатланмаган.

**2. Ортиқча чиранманг.** Абдулла Қаҳҳорнинг бир ҳикоясида: “Ёшга ярашмаган қилиқ белни ишдан чиқаради!”-деган халқ мақоли эпиграф қилиб олинган. Демак, у билан даврада вальс тушаман деб, юрак хуружига учрашнинг, бозордан оғир рўзғор халтасини кўтараман деб белангги бўлишнинг сира зарурати йўқ! Ўзига қўйиб беринг! Ахир ёш хотинга муаммолар яратиб бериш учун эмас, оғирингизни енгил қилиши учун уйлангансиз-ку!

**3. Тазйиқ ўтказманг.** Рўзғор юмушларида: «Сен ниманиям билардинг, кечагина тухумдан чиққан бўлсанг!»-дея таънадашном беришга шошилманг! Кел, шу нарсани бирга қиламиз, денг-да, билинтирмай йўл-йўриқ кўрсатинг! Ахир ёшгина хотинингизга энди ҳам эр, ҳам қайнона бўлишга мажбурсиз!

**Мана, ёши ўтинқираган эрларнинг муаммолари билан озгина бўлса-да танишиб олдик. Тўғри, булар ҳам айрим тадқиқотлар маҳсули. Билиб қўйсак, зарар қилмас.**

**Энди ёши ўтинқираган эркакларга турмушга чиқувчи қиз-жувонлар масаласига келайлик:**

### ҚАНДАЙ АЁЛЛАР ЁШИ ЎТГАНЛАРНИ ТАНЛАШАДИ?

➔ **Отасига кўпроқ боғланиб қолган қизлар:** эри отаси каби меҳрибон бўлишини исташади.

➔ **Эрка қизлар:** уларга ўзи тенгилар зерикарли!

➔ **Ғаразли мақсадларда:** эрнинг ёшу тажрибасигина эмас, ҳамёни ҳам бой бўлиши керак!

Тақдир тақозосига ва интилишига кўра, ёши катта ва ҳаётий тажрибаси кўп, бадавлат эрга тегиб олган ёшгина хотинлар қулоғига тадқиқотчилар қуйидаги маслаҳатларини шипшийдилар:

➔ Даврангизни билиб танланг. Ёши ўтинқираган эрингиз учун сиз тенгилар йиғиладиган давралар ноқулайликлар яратиши мумкин. Иложи борича, эрингизга тенгдошлар даврасини ташкил этишга ҳаракат қилинг.

➔ Рашк қилишга мажбурламанг. Рашк туйғуси тенгдош эр-хотинлар учун ёқимли бўлиши мумкин. Ёши ўтганроқ эрга бу катта ва оғир мусибат олиб келиши, асаб тизимига қаттиқ таъсир қилиши, эркаклик нафсониятини ярадор қилиши мумкин.

➔ Ўзини қари деб ҳис қилмасин. Турли даврларнинг фарзанди эканлигингизни таъкидламай, у билан тил топишишга ҳаракат қилинг. “Хўжайиним урушнинг нонини еган, шунинг учун бақувват!”-дейиш мумкиндир-у, “Бу кишим бобомниям кўрган!”-дея ёши ўтганлигига шаъма қилиш ярамайди.

**Бундай ёш жиҳатдан “номувофиқ никоҳ”ларнинг ўзига яраша ижобий (+) ва манфий (-) томонлари бор:**

➔+) Ёши ўтган эркаклардан яхши оталар чиқади. Ёш йигитчаларнинг ота бўлиб қолиши уларга табиат томонидан ҳадя қилинган имкониятнинг ишга тушиб кетиши оқибати бўлса, ёши ўтинқираган оталар бу ишга оқилона ва масъулият билан ёндошишади. Улар фарзанди билан бажонидил вақт ўтказишади.

➔+) Ёш хотинлари олдида катта ёшли эркаклар ёшаргандай кўринишади. Ўз тенгиларига уйланганлар хотинларига баробар равишда тез қаришади.”Кекса куёв”лар навқирон рақиблардан қолишмаслик учун ўзларига оро бериш пайида бўлишади.

➔+) Бундай эр ҳар нарсада кўп тажрибага эга бўлади. Аллақачон уйланиб, оилавий ҳаётнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини кўрган эркак навбатдаги турмушида ўша хатоларга йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

➔-) Эрининг аввалги никоҳидан вояга етган фарзандлари бўлиши мумкин. Ёш хотин улар билан тил топишиши, ака-укадай бўлиб кетиши лозим. Тил топишолмаган тақдирдаям, эрига фарзандлари билан муомила қилишига қаршилик қилмаслиги мақсадга мувофиқдир.

➔-) Эр рақобатдан ғоят қўрқиши ва иккинчи Отеллога айланиб кетиши мумкин! Ёш жиҳатидан номувофиқ оилаларда рашкчи эрлар пайдо бўлиш эҳтимоли жуда юқори!

➔-) Оилада нима қилиш-нима қўйишни асосан эр ҳал қилади. Хотин томонидан билдириладиган ҳар қандай қарши фикр ажралиб кетишгача олиб бориши мумкин!

➔+) Бундай никоҳдаги аёл ҳамиша қиз боладай бўлади. У неча ёшга кирмасин, ўзидан 15–20 ёш катта эри учун “қизча”дай туюлаверади.

➔-) Ёши ўтинқираган эрни қайта тарбиялаш ғоят мушкул ва умуман кераги бўлмаган машғулот. Тенг ёшли оилаларда эр-хотиннинг бир-бирини характерига киришишиб кетиши осонроқ.

➔+) Ўрта ва катта ёшли эркаклардан туғилган фарзандларда ақл-заковат устунроқ бўлиши илмий жиҳатдан тасдиқланган.

### ЭРГА ТЕГСАНГ – ЁШГА ТЕГ!

Ёши ўтган аёлларнинг ёш йигитларга тегиши кўп бўлмаса-да, учраб турадиган ҳодиса. Очиғи, бу ҳамма жойда ғалати ва ғайритабиий қабул қилинади.

Хўш,бундай жувонлар тоифасини кўриб чиқайлик-чи:

➔Оналик меҳри баландлар: улар доимо кимгадир ҳомийлик қилишга интилишади.

➔ Ўттиздан кейин қайта ёшариш туйғуларини бошидан кечираётганлар: бу пайтда тенгдош эрида жинсий фаоллик вақтинча сусайишга юз тутган, қирқ ёшдан кейинги фаоллик олдидан танаффусга чиқиб кетган бўлади.

➔Бадавлат жувонлар: ҳозир улар орасида ёш йигитларга турмушга чиқиш урфга кирган.

**Йигитлар-чи?**

➔Онасининг эркатойлари: уларга хотинданам кўра, онасидай меҳрибон, раъйини қайтармайдиган иккинчи она керак.

➔ Тажриба орттиришни истаганлар: уларга эр-хотинлик муносабатида тажрибаси кўп жувонлар маъқулдай.

➔Романтик йигитлар: ўз тенгдошларининг ёш ва инжиқ қизчалар ортидан югуриб юриши зерикарли туюлади, ёши ўтган жувон билан эса мароқли суҳбатлар қуриш ва муҳаббат борасида баҳслашиш мумкин.

**Тадқиқотчилар ёш йигитга турмушга чиққан жувонларга қуйидагиларни маслаҳат беришади:**

Унга қандай яшашни ўргатманг ва бўлар-бўлмасга моддий тарафдан кўмаклашманг. Оила-рўзғорда пайдо бўлган муаммонинг ечилишига доир осон йўлни билган тақдирингиздаям, уни ҳал қилишни эрингизнинг ўзига қўйиб беринг. Минг машаққат билан бу муаммони ҳал қилган эрингиз ўзини ёш боламас, чинакам эркакдек ҳис қилишига имконият яратинг! Қилгани сизга, ўргангани ўзига фойда!

Ёш эрларга ҳам тадқиқотчиларнинг маслаҳатлари бор: аёлингиз чиройли эканлигини таъкидлашни унутманг. Гарчи, жувон ташқи кўринишидан ўзига ишончи баланддек кўринса-да, юрагида бир куни ёш эри уни ташлаб кетиши мумкинлигидан хавотирда яшайди...

**Оллоёр БЕГАЛИЕВ тайёрлади.**

# ОРТИҚЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНСА...

## бу йод танқислигидан кўра хатарли



**Нусрат ОЛИМЖОНОВ — тиббиёт фанлари номзоди, эндокринолог шифокор:** — Айрим одамлар шифокорга бормасдан ўзларича йод препаратларини ичиб юрадилар. Бу нарса бўқоқнинг олдини олади, деб ўйлашади. Аксинча, йодни ортиқча қабул қилиш қалқонсимон безнинг бошқа касалликларига олиб келиши мумкин. (Масалан, диффуз заҳарли бўқоқ, аутоиммун тиреоит кабилар). Юракнинг тез уриши, қўл ва тананинг қалтираши, терлаш, асабийлашиш, озиб кетиш, кўзларнинг чақчайиши - диффуз заҳарли бўқоқнинг илк аломатлари ҳисобланади. Қалқонсимон безнинг катталашиши, қаттиқ бўлиши, ютинганда томоқнинг ичида тўсқинлик сезилиши эса аутоиммун тиреоит белгиларидир. Оила аъзоларидан бирортасида юқорида айтиб ўтилган аломатлар кузатилса, зудлик билан эндокринолог шифокорга мурожаат этиш зарур.

Диффуз заҳарли бўқоқ бир-бир ярим йил консерватив (дори-дармонлар ва бошқа муолажалар билан) даволанади. Агар бу усул самара бермаса, жарроҳлик амали қўлланилади. Тугунли ва кўп тугунли бўқоқ эса албатта операция қилинади. Бемор операциядан қўрқмаслиги керак, чунки ўз вақтида қўлланган бу усул бошқа кўпгина жиддий хасталикларнинг ҳам олдини олади.

### ТАБИИЙ ВА СИНАЛГАН ДАВО

Ҳар бир истеъмолчи дўкондан туз харид қилаётганда, йодланган-ми-йўқми буни билиши керак. Агар шубҳа туғилса, (чунки йодланган туз дўконда уч ойдан ортиқ туриб қолса, унга қўшилган йод йўқолади) тест-индикатор суюқлик орқали буни аниқлаш мумкин. Бунинг учун бир чимдим тузга шу суюқликдан бир томчи қуйилади, йодланган туз қорамтир рангга киради, йодланмагани эса туси ўзгармай, бир хилда тураверади.

Мол гўшти, тухум, денгиз карами, қизил лавлаги, равоч, сабзи, нўхат, мош сингарилар йодга бой маҳсулотлардир. Бундан ташқари беморлар кунига 200 грамм хом карам, бир-икки дона хом бақлажондан салат тайёрлаб еганлари маъқул.



Ҳафтада бир марта балиқли таом истеъмол қилиш лозим. Балиқ гўшти таркибида йод кўп бўлишини унутманг. Чой ўрнига узоқ қайнатилган ўрик шарбати, беҳи ва қизил лавлаги шарбатларидан ичиб турилса, кони фойда. Яна бир муолажа: юз грамм асални бир литр сувда қайнатинг, сув 700 грамм қолганда оловдан олинг ва илиқлигича ичиб туринг. Анча енгиллашиб дарддан фориғ бўла борасиз.

Хвойли (игнабаргли дарахт экстракти солинган) ваннага тушиб туриш ҳам беморнинг дардини енгиллаштиради.

### АҚЛНИ «ЎҒИРЛОВЧИ» ДАРД

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ер юзида 2 миллиарддан ортиқ одам йод танқис бўлган ҳудудларда истиқомат қилади. Шулардан 700 миллионга яқини эндемик бўқоқ ва руҳий ўзгаришлардан азоб чекмоқда. 50 миллион киши эса айнан йод етишмаслиги туфайли ақли заиф бўлиб қолган...

Агар бирорта фарзандимизнинг бўй ўсиши секинлашса ёки у жуда тез оза бошласа, дарров эндокринолог шифокор ҳузурига шошамиз. Аслида вужудимиздаги жуда кўплаб хасталикларнинг пайдо бўлиши, ҳатто ақл ҳужайраларининг заифлашиши ҳам эндокрин тизимидаги бузилишлар билан боғлиқ экан! Айниқса, эндокрин безлар (жумладан, қалқонсимон без) фаолиятининг издан чиқиши оғир оқибатларга олиб келишини унутмаслик керак.

Бордию ҳомиладор аёлда йод танқислиги кузатилса, ҳомила тушиши ёки қоринда нобуд бўлиши ҳолатлари учрайди. Туғилиб, яшаб қолган болалар эса кейинчалик хавфли касалликларга чалинишлари мумкин.

Йод етишмовчилиги билан боғлиқ эндокрин касалликларнинг олдини олиш учун ўзимизга эътиборли ва сергак бўлишимиз шарт. Шуни ҳам билиш лозимки, юртимизда йод танқислигини бартараф этишга аллақачон киришилган. Қонунчилигимизга биноан чиқарилаётган ош тузлари албатта йодланиши зарур. Шунингдек, 2005-2009 йилларга мўлжалланган «Йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш ва камайтириш бўйича Давлат дастури»га кенг амал қилиняпти. «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида» қонун ҳам қабул қилинган.

Куз, қиш, баҳор ойларида кўпчиликни йод танқислиги қийнай бошлайди. Йодни эса узоқ вақтга етарли қилиб ғамлаб қўйишнинг иложи йўқ. Чунки, организм ҳар куни йод билан доимий таъминлаб турилиши керак. Шундай экан, яшаш тарзимизга бироз ўзгартириш олиб кирсак, яъни, овқатланишда йодланган, йодли ва таркибида йод кўп бўлган маҳсулотлар бўлишига алоҳида эътибор қаратсак, натижаси дарров сезилади. Хасталикнинг илк аломатларига бефарқ қарамайлик. Ақлни «ўғирловчи» дард бизга яқин йўламаслиги учун биз, аввало ўзимизни ундан эҳтиётлайлик.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА тайёрлади.**

(Давоми. Боши ўтган сонда)

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

# ПАКАНАЛИК АЙБМИ?

Бу муаммо ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб, олимлар ва шифокорларни ташвишга солиб келмоқда. Одамнинг бўйи билан унинг шахсий ҳаёти бир-бирига боғлиқ. Балоғатга етган қизингизга совчи келди. Бўлажак келин-куёв учрашувга чиқишди. Минг афсуски, бўлғуси куёвнинг бўйи қиздан анча паст экан. Бу муаммоми? Ҳа, албатта. Қизингиз: «Ўламан саттор, мен бўйи пастга тегмайман», деб оёқ тираб туриб олади. Сиз қаттиқ хафа бўласиз, изтиробдасиз. Яхши жой, бола ақлли, лекин ҳаммаси бефойда. Ўғил болаларда ўсиш 18-25, қиз болаларда эса 17-19 ёшгача давом этишини кўпчилик билмайди. Бундан ташқари, инсонни бўйига энг катта таъсир ўтказадиган ҳолат бу ирсиятдир. Фарзанд туғилмасидан олдин, ҳомила даврида ҳам буни аниқлаб, олдини олиш мумкин. Бу муаммони шифокорларимиз билан маслаҳатлашиб, амалга ошириш зарур.

Кўпинча одамлар бўйи ўсмай қолган болаларни кўриб: «Сени яхши боқишмабди. Овқатни кам беришяпти», деб ҳазиллашадилар. Бу ҳазил гап тагида чуқур маъно бор.

Одамнинг овқатлари таркибида оқсил, витаминлар ва микроэлементлар етарли миқдорда бўлиши керак. Яна бир нарсани унутманг, туз ва мол ёғини меъёрида истеъмол қилган маъқул. Илмий изланишлар шуни тасдиқлайдики, ўсиш гармони оқсил моддага бой овқатлар, маҳсулотлар истеъмол қилинганда яхши ажралиб чиқади. Ширинликларни кўп еган болаларда ўсиш гармони кам ҳосил бўлади. АҚШ, Олмония, Япония, Франция, Россия олимларининг



фикрича, ширинликларни кўп истеъмол қилган ўспирин болаларнинг бўйи паст бўлади.

Болаларингизнинг овқат рационида ҳар доим сузма, пишлоқ, ёғсиз пиширилган гўшт, товуқ, тухум бўлиши керак. В,А гуруҳидаги витаминлар бўй ўстиришда ижобий таъсир кўрсатади. Бунда А витаминига бой маҳсулотлар (сабзи, балиқ таомлари, жигар, буйрак, кўкатлар). В витамин гуруҳига эга моддалар (сариёғ, сут, тухум, ёнғоқ, қора нон).

Фарзандларингизнинг бўйи тенгдошларидан орқада қолса, унда ўз оилавий шифохонангиздаги педиатр-эндокринолог шифокорга мурожаат қилинг. Бу мутахассис сизга керакли дори-дармон тавсия қилади. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, оддий жисмоний машғулотларни узоқ вақт ва тўғри бажариш ҳам бўй ўсишида ёрдам беради.

**Тоҳир ИБРАГИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

# Чойнинг фойдаси борми?

Мутахассисларнинг кузатишларича, ҳомиладор аёлларга аччиқ ва кўп чой ичиш тавсия этилмайди. Чунки чойда кофеин, танин ва эфир мойлари, пурин каби моддалар она қорнидаги ҳомила қонига ўтиб, унинг организмига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин.

Эмизикли аёллар ҳам аччиқ чой ичиши ярамайди, чунки у она сутини жуда қуюқлаштиради, сермой қилиб камайтириб юборар экан.

Уч ёшгача бўлган болаларга ҳам чой ичириш мумкин эмаслиги таъкидланади.

3-9 ёшдагиларга эса қайноқ сувга сут, асал ёки мева шарбати қўшиб ичириш фойдали экан.

Ёш қизлар, аёллар, келинлар ҳаддан ташқари аччиқ, кўк чой ичмаганлари маъқул. Чунки чойдаги айрим кимёвий моддалар ва бирикмалар уларнинг ўта сезгир организмига салбий таъсир кўрсатади.

Қабзият, ошқозон шираси кислотаси баланд, гастрит, ўткир ошқозон-ичак яраси, юрак-қон томир тизимида муаммолари бор, гипертония, руҳий хасталар, уйқусизлик дардига чалинган, жигар, ўпка сили билан касалланган кишиларга ҳам аччиқ чой ичиш тавсия қилинмайди.

Оч қоринга ва ухлашдан олдин ҳам чой ичмаган маъқул. Бир пиёла қайноқ сув, сут ёки қатиқ ичиш фойдалидир.

Иссиқ чой ичгандан кейин дарҳол совуқ нарсаларни истеъмол қилиш ёки аксинча, совуқ нарса истеъмол қилиб, устидан қайноқ чой ичиш—тишларга, оғиз бўшлиғига, ошқозон-ичак йўли аъзоларига салбий таъсир кўрсатади.

Жуда иссиқ «оловдан чиққан» чойни ичиш зарарлидир. Чунки у оғиз, ошқозон-ичак, овқатни ҳазм қилиш аъзоларининг сурункали касалланишига олиб келади.

Жуда аччиқ ва сутли ширинчой ичиш гиёҳванд моддалар, ухлатадиган дорилар—кимёвий моддалар, спиртли ичимликлар билан заҳарланганда тавсия этилмайди.

Телевизор кўриб ёки компьютер ёнида узоқ ишлаб ўтиргач, улардан тараладиган радиактив нурларнинг салбий таъсир кучини қайтариш учун фақат кўк чой фойдадан ҳоли эмас.

Қуруқ чойни эса кўнгил айнишда, қайт қилганда, транспортларда бош айланганда чайнаш тавсия этилади.

Аччиқ чой компресси оғриқ ва ҳароратни қолдиради.

**Мухлиса МУҲИТДИНОВА тайёрлади.**

# БЎЙИН ТЕРИСИ НОЗИК

Аёл бўйнидан қарийди деган гап бор. Бу бўйин териси нозик бўлиб, қон кам айлангани сабаб алоҳида парваришлаш лозимлиги учун айтилган бўлса ажабмас. Юзга қараганда бўйин терисига ажин эртароқ тушади. Бунинг олдини олиш учун юзни парвариш қилаётганда бўйинни унутмаслик лозим. Бўйинни ювишда зинҳор иссиқ сув ишлатмаслик керак. Уни совуқ ёки илиқ сувда ишқалаб эмас, шошмасдан юмшоқ сочиқда босиб-босиб артилади. Хеч қачон ўз билганингизча массаж қилмай, бўйинни тик тутиб юришга одатланинг.

Ҳафтада икки марта озиқлантирувчи ниқобдан фойдаланинг. 1 ош қошиқ янги творогга ярим боғ укроп ёки петрушкани майдалаб, бир дона тухум сариғи ва озгина қаймоқ қўшиб яхшилаб аралаштиринг. Тозаланган бўйнингизга енгилгина озиқлантирувчи крем суртиб, сўнг аралашмани бўйнингиз ўртасидан икки ёнга қарата бир текис суртинг. 25-30 дақиқадан сўнг салфетка билан секин тозалаб, илиқ сувда ювинг. Терингиз ёғли бўлса, тухум оқини аралаштириб, қаймоқ қўшмасангиз ҳам бўлади. Сўнг озиқлантирувчи крем суришни унутманг.

Қуйидаги машқларни канда қилмай бажариб турсангиз, фойдасини дарров сезасиз. Аста-секин елкаларингизни қимирлатмай, бошингизни ўнг ва чап томонга 10 мартадан буринг. Кейин иложи борича орқага эгинг ва олдинга туширинг, яна ўнгга, чапга ва бошингизни силкитинг. Елкаларингизни кериб ва бошингизни кўтариб, тўғри ўтиринг. Иягингизни иложи борича, олдинга чиқаришга ҳаракат қилинг, бунда пастки лабингиз деярли юқори лабингиз устига чиқсин. Шундай вазиятда бошингизни аста-секин 10-15 мартадан ўнг томонга, олдинга ва чап томонга, олдинга буринг. Машқни батартиб ва тўлиқ бажариш кутилган самарани беради.

**Тамара ХУММАМАТОВА тайёрлади**

НИГОҲ

# САНЪАТ ШУНЧАКИ ЭРМАК ЭМАС

## ёки тўтига ҳам тил ўргатса бўлади



Санъат инсонларни эзгуликка, улуғ ишларга руҳлантирувчи буюк кучдир. Айнан инсон қалбига яқин қўшиқлар ҳақида гап борар экан, бугун эстрада жанрида ижод қилаётган кўплаб ёш санъаткорларимизнинг изланишлари эътирофга сазовор.

Аммо бугун қўшиқчилик санъатини кузатиб, айрим ёшларнинг таваккалчи ҳаракатидан таъби хира бўлади, кишининг. На мусиқада, на сўзда, на либосда маъно бор. Масхарабознинг ола-қуроқ кийимига ўхшаб қолган. Унга фақат кулиш keракка ўхшайди. "Қўйсанг-чи, ахир улар ёш-ку. Ҳаммаси ўткинчи", дея бир-биримизга таскин берамиз. Баъзан улар билан газета ёки радиоканалларда суҳбатлар уюштирилиб қолади. Радиобошловчи савол беради: «Келажакдаги режаларингиз?» Жавоб баландпарвоз: «Ўзбек санъати довруғини дунёга ёйиш!». «Отангга раҳмат, ниятингга ет!» дейсизу, «Қандай қилиб ёймоқчисан?» деган савол берилишини кути-и-иб қолаверасиз. Унга эса бошқа савол берилади: «Қандай қўшиқларни тинглайсиз, устозларингиз кимлар?» У яна ўзбек санъатини дунёга ёйиш орзусини парда қилган, қўшиғи ўзбекча-ю, аммо она тилида тузук гапира олмайдиган икки-уч қўшиқчини зўрға санаб беради. Агар яна, «ахир улар ҳам ёшлар-ку», демоқчи бўлиб, суриштириб келсак, нари борса 20-25 ёшдаги қўшиқчилар бўлиб чиқади.

Юртимизда нашр этилаётган хусусий газеталарнинг муқоваларида машҳур хонандаларнинг рангли суратлари катта қилиб чоп этилиши урф бўлган. Аслида бундан икки хил манфаат кўзланади. Газета ижодкорлари хонанданинг мухлисларини жалб этиш орқали шу шашр ўқувчисини кўпайтиришни хоҳлайдилар. Иккинчидан, унча танилмаган хонандаларнинг ўзлари шундай газета муқовасида кўринишни исташади. Гўё, шу орқали у янада машҳур бўлиб кетадигандек. Айрим хонандалар ҳатто ўзларининг энг майда-чуйда, бўлган-бўлмаган «сир-асрор»ларидан тортиб, хорижга қилган тижорий сафарларигача ижодий тус бериб гапирадилар. Ҳатто, уялмасдан, «ўша мамлакатдан таклиф тушганди», деб қўядилар уялмай.

Инсон тафаккури ривожлангани сари унинг диди ҳам ўсиб боради. Шу маънода ҳаммани ҳайратга соладиган хайрли ишларни амалга ошириш осон эмас. Қўшиқчилик санъати билан дунёга танилиш эса бундан-да қийин. Чунки рақобат майдони жуда кенг. Европа ёки Осиё мамлакатлари мусиқасини олиб, унга тушуниб-тушунмасдан сўзларни тиркаб қўшиқ куйлаш билан санъат асари яралиб қолмайди. Сиз, агар сўзларига эътибор бермасангиз, унинг мусиқасига маҳлиё бўлишингиз, қизиқишингиз мумкин. Бу қизиқиш сизни ўша оҳангларнинг асл нусхаси билан танишиш иштиёқини ҳам пайдо қилади. Бу ҳол тажрибада кўп кузатилган.

Аслини олганда, айнан эстрада санъати ҳозирда дунё миқёсида энг оммабоп ва севимли йўналишлардан бири саналади. Дунё севган эстрада хонандалари рўйхатида аста-секин бизнинг ҳамюртларимиз номи ҳам чиқиб туришини ким хоҳламайди, дейсиз... Аммо, қандай қилиб?

Бу оғриқли савол. Чунки хориж мусиқасига ишланган, сўзларини на ўзи, на бошқалар тушунадиган қўшиқлар билан дунё саҳнасини орзу қилиб бўлмайди. Тўғри-да, Европа мусиқасига ишланган ўзбекча қўшиқни уларнинг ўзларига намойиш қилиш кулгили. Аслида бунинг кераги ҳам йўқ. Мабодо, уларнинг тилида куйлаганингизда ҳам, нари борса, сизнинг тил билиш қобилиятингизга қойил қолишлари мумкин, холос. Тилни эса тўтига ҳам ўргатиш мумкин. Демак, ўзбек миллий санъати эстрада жанрида ҳам ўзининг яққол ва бетакрор қиёфасини топиши керак. Бунинг учун Ботир Зокировни бугуннинг нигоҳи билан англаш лозим.

Зеро, эстрада санъати - замонавий қўшиқчилик анъаналарини ўзида мужассам этган санъат тури бўлиши билан бирга, ҳар бир халқнинг ўзигагина хос бўлган миллий хусусиятларни, қадриятларни, анъаналарни ифода этгандагина ўз муносиб ўрнини топиши, шундагина бизнинг ҳам кўплаб хонандаларимиз жаҳон эстрада юлдузлари сафидан ўрин эгаллаши мумкин. Ана шундай долзарб вазифани унутиб, бу санъатга уч-тўрт сўм пул топиш воситаси деб қаралиши жуда ачинарли ва кечирилмас ҳолат.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, одатда одам нима учун қўшиқ куйлайди ёки тинглайди? Яхши қўшиқ кўнгилларга хотиржамлик беради. Бу қўшиқнинг биргина қирраси, холос. Энди тасаввур қилинг, сиз мактаб ҳовлисига кириб бораяпсиз. Қайсидир синфхона деразасидан болакайларнинг жўровоз бўлиб қўшиқ куйлаётгани қулоғингизга чалинди. Улар профессионал қўшиқчилар эмасу, аммо негадир куйлаётган қўшиқлари юрагингизнинг ҳайрат торларини чертиб юборди. Нега? Чунки бу овозлар бир бутун беғуборликка йўғрилган. Буюк бастакор Кабалевский: «Мактаб куйласа, дунё куйлайди», деган экан. Халқона оҳангларнинг моҳир ижрочиси Маҳмуд Номозов бир интервьюсида буюк бастакорнинг ушбу сўзларини эслаб, шундай деган эди: «Дарсда бутун синф куйлайди. Тасаввур қилинг, 10 киши битта қўшиқни биргаликда бир пайтда куйласа... 100 киши ёки минг киши бир пайтда айтса-чи... Бу вақтда уларнинг юраклари қўшиққа ҳамоҳанг уради».

Демак, бу вақтда шунча юрак бир хил уриб туради. Қалбларга ҳар қандай туйғу бирдек сингиб боради. Агар бу Ватанга, онага муҳаббат туйғуси бўлса-чи!.. Мана сизга қўшиқнинг кучи, қудрати.

Мақола аввалида санъатга қизиқадиган одамнинг қўлидан ёмонлик келмайди, дедик. Бу сўзлар ҳақиқат бўлиб қолишини жуда-жуда истардик. Санъатнинг асосий хусусияти инсониятнинг маънавий ва маданий савиясини юксалтириш, тафаккурини чархлаш ва ривожлантириш бўлса, унинг қайси тури билан машғул бўлишдан қатъий назар, бу масалага шунчаки эрмак деб қараш ярамайди. Ҳақиқий санъат асарлари – инсоният тарихида мисқоллаб тикланган буюк маънавий мерос, яъни ҳар бир миллат ва элатнинг асрларга татигулик ўзига хос миллий қадриятларини авлодларга етказишнинг энг қулай воситаларидир. Демак, санъат сифатида қўшиқчиликда ҳам бу асрий масъулиятни ҳис этиш шарт!

**Қувондиқ СИДДИҚ**

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

## БЕГОНА ҚИЗИМ

***«Бу воқеага беш-олти йилча бўлиб қолди. Мен уй сотиб олиш учун турли эълонларни ўқиб юрардим. Бир куни ишхонамда ўтириб, газетадаги эълонлардан бири бўйича қўнғироқ қилдим...***

***Аёл квартирасини тинимсиз мақтаб турибди. Ошхонага қадам қўйишимни биламан, ҳалиги қизалоқ, тахминан икки-икки ярим яшар бўлса керак, мени кўрди-ю, «Папа!», яъни «Дада, дадам келди!» деб ўзини бағримга отса бўладими?»***

**ОАЖ «AGRO INVEST SUG'URTA»**
**мижозлари ва ҳамкорларига қуйидаги суғурта турларини тақдим қилади:**

- *Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;*
- *Гаровга қўйилган мол-мулкларни комплекс суғурта қилиш;*
- *Транспорт воситаларини суғурта қилиш;*
- *Ипотека кредитларини комплекс суғурта қилиш;*
- *Йўлдаги мол-мулкларни (юкларни) суғурта қилиш;*
- *Кредитларни суғурта қилиш;*
- *Тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурта қилиш;*
- *Лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникаларини суғурта қилиш;*
- *Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг бўлғуси бошоқли дон экинларидан (буғдой, арпа, сули, жавдар) кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш;*
- *Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг пахта экинидан кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш.*

**ОАЖ «AGRO INVEST SUG'URTA» – бизнесда энг ишончли ҳамкор!**

**ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 273-74-86 (факс), 273-74-69, 273-74-59**

***«TAMADDUN» МЧЖ думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.***

**Шифобахш ва фойдали ўсимликлардан тайёрланган мутлақо зарарсиз «ФИТОЧОЙ»** *қандли диабет, юрак-қон томир, гепатит, бавосил, бўқоқ, ошқозон-ичак, сийдик йўллари шамоллаши ва ўпка, нафас олиш тизимларида учрайдиган касалликларга малҳам бўлади. Бундан ташқари турли гижжа-қуртларга қарши курашишда ва қон босимини тушириш хусусиятларига ҳам эга.*

***Мурожаат учун телефон: 199-68-00.***

**«AGRO ERKIN SAVDO»**
**хусусий корхонаси тугатилади. Даъво ва эътирозлар бир ой ичида қабул қилинади.**
**Телефон: 275-90-71**

**«ЗЕҲН-ШАНС» ЎҚУВ МАРКАЗИ**

**Инглиз тили NEW HEADWAY дастури асосида тез ва сифатли ўргатади. 6 ойдан сўнг ўқувчиларимиз инглиз тилида гаплаша олади. Ўқув марказимизга келсангиз ўзингиз бунга ишонч ҳосил қиласиз. Телефонлар: (+99871) 221-73-40 (+99871) 212-17-67, (+99897) 724-73-40**

**МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-А уй, 1-2 хонадон, 9 қаватли бинонинг 1-қавати**

**Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 18:00
Босишга топширилди – 19:00

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20**
**Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй**
**Мўлжал: «Олой» бозори ёнида**

**Web-site: oilavajamiyat.uz**

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г – 132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади – 12445
Навбатчи — **Тамара ХУММАМАТОВА**
Мусаҳҳиҳ — **Саидғани САЙДАЛИМОВ**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**

**ISSN 2010-7609**

1 3 4 5 6 7 8

**E-mail:** oilavajamiyat@mail.ru oilavajamiyat@rambler.ru